КПСС XXV съезди қарорлари — ҳаётга

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 88 (6978). | 11 май, 1979 йил | Ж У М А | Баҳоси 2 тийин.

БИРИНЧИ КУЛЬТИВАЦИЯ ТУГАЛЛАНДИ

ҒЎЗАНИНГ бақувват етилиши, гектарларда туплариниг бут бўлиши шу кеча-кундуздаги дала ишларига боғлиқ. Бунинг аҳамиятини чуқур ҳис қилган илғор хўжаликлар ҳар дақиқа фурсатни қўлдан бой бермай ғўзага тез ва соз ишлов беришга киришдилар.

Отин жадал қамчилаган Бўка районидаги «Кўкорол» совхозининг механизаторлари 3000 гектар пахта майдонида биринчи культивацияни муваффақиятли тугалладилар.

Кўкламнинг серёмғир келиши натижасида катта майдонда қатқалоқ ҳосил бўлганди. Жонкуяр деҳқонлар дарҳол қатқалоққа қарши курашни бошлаб юборишди. 1000 гектар майдондаги ғўзанинг таги фақат кетмон чопиғи билан юмшатилди.

Меҳр билан парвариш қилинган ниҳоллар шу кунларда авж олиб, ривожланмоқда. Совхоз ишчилари ана шу пахтазорларнинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил кўтариш учун курашмоқдалар. Райондаги Мичурин номли колхоз аъзолари ҳам гектаридан 35 центнердан пахта етиштириш учун бел боғлаганлар. Колхознинг Эргаш Қосимбеков, Турғунбой Алиматов бошлиқ бригада аъзолари эса гектаридан 40 центнердан хирмон уйишга аҳд қилишган.

Ҳозир колхоз пахта майдонларида кўзланган юқори ҳосил учун пухта замин яратилмоқда. Ундириб олинган ниҳолларга сифатли ишлов берилмоқда. Илғор бригадаларда биринчи культивация тугалланди. Қаҳҳор Бойтўраев, Раҳмон Суяров, Холбуви Йўлдошева сингари механизаторлар культивацияда сафдошларига ўрнак кўрсатиб меҳнат қилишди.

Н. АБДУЛЛАЕВ.

ГЕКТАР ТЎЛА, КЎЧАТ БУТ БЎЛСИН

ПАХТАКОР! Қишлоқ хўжалиги мутахассиси, механизатор, бригадир... Шу кеча-кундузда ҳосил тақдири ана шулар қўлида. Далаларда ғўзаларнинг серҳосил бўлиб ўсиши, зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган даражада «оқ олтин» етиштирилиши сўзсиз уларнинг ғайратига, ташкилотчилик қобилиятига, ишбилармонлиги, ҳозиржавоблигига боғлиқ.

Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхозининг бригада бошлиғи, моҳир ва тажрибали деҳқон Бобохон Отахонов ана шулардан бири. У қарийб 30 йилдан буён пахтачилик бригадасига етакчилик қилади. Ёши 70 га бориб қолган бўлишига қарамай, ҳали ҳам ғайрати жўш уриб туради. Меҳнатда, интизомда ҳаммага ўрнак. Бирон йил йўққи, унинг бригадаси пахта планини, социалистик мажбуриятини бажармаган бўлсин.

Бу йил ҳам кекса пахтакор ажойиб ташаббус билан чиқди. Ҳар гектаридан 60 центнердан хирмон кўтаришга сўз берди. Область партия комитети бир группа илғор пахтакорлар қаторн унинг ҳам ташаббусини маъқуллади.

— Деҳқон ҳар қандай қийинчиликни енгиш учун ўзида ирода топа билиши даркор, — дейди у. — Энг қийин дамларда ҳам тушкунликка тушмаслик, ақл-идрок билан, тадбиркорлик билан меҳнат қилиш лозим. Ердан эндигина униб чиққан чигит ниҳоли бамисоли мурғак чақалоқ. Унинг ҳам чилласи бўлади. Она ўз чақалоғи атрофида қанчалик гиргиттон бўлса, чилласи чиққунча кечалари ухламай йўргакларини янгилаб турганидек, деҳқон ҳам ёш ниҳол ўзини тутиб, илдиз отиб, ерга маҳкам ўрнашиб олгунича ҳамиша ҳушёр туриши лозим.

...Оқилона гаплар. Областимизнинг донгдор, фидокор, аҳдига вафодор олтинпазларининг юрак сўзлари бу. Табиат тез-тез қайсарлик қилиб турган бу йилги шароитда Бобохон ота сингари уста пахтакорларнинг тажрибалари асосида иш юритиш — ютуқлар гарови эканлигини унутмаслик керак.

Зотан, бу йилги вазифаларимиз кўлами кенг. Республикамизнинг 5 миллион 700 минг тонналик «оқ олтин» хирмонига ўзларининг 430 минг тонналик пахталари билан ҳисса қўшишга аҳд қилган деҳқонларимиз КПСС XXV съезди тарихий қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг бўлиб ўтган пленумлари кўрсатмаларини амалга ошира бориб, беш йилликнинг тўртинчи йилида зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Дастлабки натижалар анча дуруст. Эртаги сабзавот, картошка экиш сифатли ўтказилди. Область хўжаликларида чигит экиш қулай муддатларда амалга оширилди. Пахта учун ажратилган 136 минг гектар майдондан 115,6 минг гектарига кенг қаторлаб чигит экилди. Шу жумладан, 82 минг гектар ерга аниқ миқдорда уруғ ташлаб чигит экилди. Бу — 1978 йилдагига нисбатан 15 минг гектар кўпдир. Барча майдонларга чигит экиш билан бир йўла минерал ўғит ва гербицид солиб кетилди. Илғор, прогрессив усуллар кенг қўлланилди. Бу йил экиш билан бир йўла ерга маҳаллий ўғит солиб кетишга мослаштирилган сеялкадан биринчи марта фойдаланилди.

Лекин деҳқончиликда йилдан-йилнинг фарқи катта бўлади. Бу йил ҳам табиат бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқарди. Ҳарорат ҳа деганда кўтарилмади. Тез-тез ёнингарчилик бўлиб турди. Сел, дўл ёғди. Айрим пайкалларни сел суви олиб кетди. Апрель ойида 130 миллиметрдан 160 миллиметргача ёмғир ёғди. Бу — уч ойлик нормага тенгдир. Бундай аҳвол областимиз тарихида биринчи марта юз берди.

Лекин 430 минг тонналик «оқ олтин» хирмонини сўзсиз бунёд этишга қатъий бел боғлаган пахтакорларимиз қийинчиликлар олдида асло эсанкираб қолмадилар. Улар тадбиркорлик, омилкорлик билан бамаслаҳат иш юритдилар. Ҳар бир қулай фурсатдан, имкониятдан фойдаланиб, чигитни ўз вақтида экиб олиш, тўла гектар ҳосил этиш учун бутун маҳоратлари ва тажрибаларини ишга солдилар. Бекобод, Бўка, Чиноз, Янгийўл районларининг заршунослари, айниқса, қаҳрамонона меҳнат қилдилар.

Деярли барча майдонларда чигит бир текис ундириб олинди. Бироқ, асосий кураш — мўл ҳосил тақдирини ҳал қиладиган дамлар ҳали олдинда.

Гап шундаки, кетма-кет ёғингарчилик бўлганлиги туфайли катта майдонларда қатқалоқ ҳосил бўлди. Бу ғўза ниҳоллари дуркун ривожланишига ҳалакит бермоқда. Бундай дамларда ҳар бир пахтакор, ҳар бир мутахассис карталарни синчиклаб текшириши, ниҳолларни тўла сақлаб қолиш чораларини кўриши керак.

Янгийўл районидаги «Коммунизм», Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги», Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбоев номли ва бошқа бир қатор илғор хўжаликларнинг бу соҳадаги иш тажрибалари, қатқалоқни юмшатиш учун кўраётган чора-тадбирлари ибратлидир. Ана шу сингари хўжаликларда кучли ёғингарчилик, селдан зарар кўрган майдонларга культивациядан олдин маҳаллий ўғит солинмоқда. Ротацион мотигалар, «РОР» ишчи органлари тўла сафарбар этилган. Кетмон чопиқ ўтказилмоқда. Ягоналаш ҳам бошлаб юборилган.

Ҳосил тупдан, кўчатдан олинади. Деҳқонларимиз буни яхши биладилар. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда барча имкониятларни ишга солиб, ҳамма ерда ғўза парваришини кучайтириш керак. Тупроқнинг етилиши ҳамма ерда бир хил эмас. Шунинг учун техникадан тадбиркорлик билан фойдаланиб, культивация ишларини табақалаштирилган ҳолда ўтказиш керак. Гектар тўла, кўчат бут бўлсин. Шунинг учун оласига чигит экишни унутмаслик керак.

Кейинги икки-уч кун ичида ҳарорат кўтарилди. Ердан нам буғланди. Ана шуни ҳисобга олиб, ёғингарчилик кўп бўлди, деган кайфиятга берилмасдан, ғўзаларни суғоришни ҳам йўлга қўйиш лозим.

Ҳозир ниҳоллар мурғак. Шу туфайли ҳам культивацияни бошлашдан олдин ишчи органларини пухта созлаш, культиваторларни маълум белгиланган тезликда юргазиш талаб этилади.

Бу йил ўт кўп. Шу туфайли биринчи культивация вақтидаёқ культиваторларга пичоқ, стрелкасимон панжалар ва ротацион юлдузчалар тиркаб ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Область партия комитети социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши учун курашни бошлаб юборган бир группа илғор пахтакорлар, сабзаботкорлар, ғаллакорлар ташаббусини маъқуллади. Бошланғич партия ташкилотлари бу ватанпарварлик ташаббусларининг моҳиятини тушунтириб илғорларнинг тажрибасини кенг ёйишлари, ойма ўртасида ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб, дала ишларининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши учун зарур тадбирларни амалга оширишлари лозим.

Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхозининг Енчер Ким бошлиқ бригада аъзолари 106 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтариш юзасидан социалистик мажбурият олишган. Шу кунларда бригаданинг пахта далаларида қийғос униб чиққан ниҳолларга сифатли ишлов берилмоқда. Суратда: 1. Бригада бошлиғи ўртоқ Енчер Ким. 2. Ғўзага ишлов берилмоқда.

А. Абалян фотолари.





ҚАҲРАМОН ШАҲАРЛАРДА БАЙРАМ

Улуғ Ватан уруши солномасидаги энг ёрқин ва ажойиб саҳифалар қаҳрамон шаҳарларнинг номлари билан боғланган. ТАСС мухбирлари қаҳрамон шаҳарлар ғалаба байрамини қандай нишонлаётганликларини хабар қиладилар.

9 май куни минглаб москваликлар ва пойтахт меҳмонлари Ватан учун жангларда ҳалок бўлган совет баҳодирларига миннатдорчилик бажо этиш учун Кремль девори ёнидаги Александр боғига келдилар. М. Горький номли маданият ва истироҳат паркида ҳам Москванинг бошқа парклариға каби уруш ветеранларининг учрашувлари бўлиб ўтди.

Ғалаба байрами куни Кремль девори ёнидаги номаълум солдат қабрига КПСС Москва шаҳар комитети билан Москва Совети ижроия комитетидан, КПСС Москва область комитети билан Москва область Совети ижроия комитетидан гулчамбарлар қўйилди. Шу куни Москвада пойтахтга «Қаҳрамон шаҳар» фахрий унвони берилганлигини нишонлаш юзасидан ўрнатилган обида пойига Москва шаҳар партия комитети билан Москва Советининг ижроия комитетидан, Москва область партия комитети билан Москва область Совети ижроия комитетидан гулчамбарлар қўйилди. Гулчамбарлар ва гуллар қўйиш маросимларида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин, шаҳар ва областнинг бошқа раҳбарлари қатнашдилар.

Порлоқ ғалаба байрамида Ленинграддаги обидалар ва монументлар пойига дастлабки баҳор кўкатлари ва гулдасталари қўйилди. Қирқ биринчи йилда гитлерчи ғалалар йўли тўсиб қўйилган жойларда совет кишиларининг меҳнати билан улуғвор ёдгорлик — кўкатлардан шуҳрат белбоғи барпо этилди.

Пискарев ёдгорлик қабристонидаги она-Ватан монументи пойига КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ленинград область партия комитетининг биринчи секретари Г. В. Романов ва бошқа раҳбарлар гулчамбар қўйишди.

Шу куни Киев майдонлари ва кўчалари айниқса ҳашаматли ва кўркам безатилган эди. Ёдгорликлар, монументлар ва обидалар ёнида, совет халқининг жанговар шижоат жойларида шаҳар меҳнаткашлари, комсомол ва ёшларининг, уруш ветеранлари ва Совет Армияси жангчиларининг тантанали митинглари бўлиб ўтди. Уларнинг пойига жангдан қайтиб келмаганлар хотираси учун баҳор гуллари қўйилди. Тантанали маросимда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Щербицкий, республиканинг бошқа раҳбарлари иштирок этдилар.

Қаҳрамон шаҳар — Минскдаги ғалаба майдонида ўрнатилган обида — ҳайкал ёнида қип-қизил лолалар май ёмғирида чўмилиб, гулгун яшнаб турибди. Шу байрам куни бу ерга шаҳарнинг минглаб аҳолиси ва меҳмонлари гул кўтариб келишиб, Совет Армиясининг ҳалок бўлган қаҳрамон жангчилари ва партизанларга сидқидилдан миннатдорчилик ва меҳр-муҳаббат туйғуларини изҳор этдилар. Абадий машъал ловуллаб турган обида-ҳайкалнинг гранит тошига гуллар ва гулчамбарлар қўйилди.

Гулчамбарлар ва шуҳрат гулшодалари қўйиш маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров, республиканинг бошқа раҳбарлари қатнашдилар.

Волгограддаги Мамаев курганда Сталинград жанги қаҳрамонлари ансамбли атрофи гуллар денгизига айланиб кетди. Минг-минглаб кишилар урушдан қайтиб келмаган солдатлар хотирасини ҳурмат билан эсга олишди. Ҳарбий шуҳрат залида абадий машъалга гулчамбарлар қўйиш тантанали маросими бўлди. Ўша олис музаффар май кунининг абадий тимсоли янглиғ бугун шаҳар дарвозалари ёнидаги солдатлар даласида ёш механизаторларнинг хотира вахтаси биринчи кунида ташлаган уруғдан майсалар униб чиқди. Ўн минглаб волгоградликлар бу вахтани тинчлик йўлидаги зарбдор меҳнат билан нишонладилар.

Севастополнинг кенг майдон ва проспектлари, шонли шуҳратга чулғанган Малахов курган ва Сапун тоғи ғалаба байрами ва Қора денгиз бўйидаги Метин қўрғон фашист босқинчилардан озод этилган кунининг 35 йиллигини нишонлаш учун келган ўз ҳалоскорларини кутиб олмоқда. Шу байрам куни шаҳарнинг ҳарбий қабристондаридаги мақбараларга, обидалар ва ҳайкалларга гуллар ва гулчамбарлар қўйилди. Шаҳарнинг марказий майдонида кўп минг кишилик митинг бўлди.

Бугун Одессанинг минглаб меҳнаткашлари социалистик ватан ҳимоячиларининг сўнмас жасоратига чуқур миннатдорчилик юксак туйғуси билан номаълум матрос ҳайкали, абадий машъал, обидалар ёнига, совет жангчилари ҳаёт-мамот учун олишган шуҳрат белбоғи монументларига келдилар. Халқ яхлос билан зиёрат қиладиган жойларга ўрнатилган бронза ва гранитларга баҳор гуллари қўйилди.

Хотира вахтасини бошлаган денгизчилар, докерлар, студентларнинг уруш ветеранлари билан ва Одесса ертўлаларини собиқ партизанлари билан завқ-шавқли учрашувлари бўлиб ўтди.

Новороссийскнинг минглаб аҳолиси ва меҳмонлари тилларда достон бўлган «Кичик ер»га, шаҳар порти учун бўлган жангларнинг олдинги марраларига, цементчиларнинг собиқ маданият саройи биносига келдилар. Бу ерда ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш комплекси тантанали вазиятда очилди. Бу ерда уруш йилларида янграган қуйлар қулоққа чалинди, «Кичик ер»га десант туширилишини қаҳрамон шаҳар учун бўлган жангларни тасвирловчи ҳарбий кинохроника кадрлари кўрсатилди.

Кўклам либосига бурканган ва яшариб кетган Керчь Улуғ Ватан уруши ветеранларини ранг-баранг байроқлар ва транспарантларга бурканиб, кувонч ва изтиробом билан кутиб олди.

Шаҳарликлар Қримнинг фашист босқинчилардан озод этилишини бошлаб берган Эльтиген десантини тайёрлашда 18-армия Сиёсий бўлимининг бошлиғи Л. И. Брежнев қатнашганлиги билан фахрланадилар. Ветеранлар шаҳар озодлиги учун жангларда ҳалоқ бўлган довюрак жангчилар ҳайкаллари, обидалари, мақбараларига гуллар қўйишди. Денгиз жангларида жон олиб—жон берган матросларнинг ҳотирасини эслаш рамзи сифатида сувга гулчамбарлар туширилди.

Қаҳрамон шаҳар — Тула меҳнаткашлари ва меҳмонлари 1941 йил кузида ишчилар билан Қизил Армия қисмлари ҳаёт-мамот жангини қилган ва душманни ўтказмаган оловли марраларга келдилар. Марказий шаҳар паркида халқ сайили бўлиб ўтди. Қаҳрамон шаҳарни ҳимоя қилган уруш ветеранлари ёшлар билан учрашдилар.

Шу куни «Қаҳрамон Брест қалъаси» ёдгорлик комплексини Брестнинг минглаб меҳнаткашлари зиёрат қилдилар. Бу ердаги тантанали маросимлар майдонида улуғ ғалабанинг 34 йиллигига бағишланган митинг бўлди.

* * *

Социалистик Ватанимиз порлоқ ғалаба байрамини кенг миқёсда, тантанали равишда нишонлади. Барча иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, ҳамма шаҳар ва қишлоқларда тантаналар бўлиб ўтди.

Ёдгорликлар ва ҳайкаллар пойига гулчамбарлар қўйиш маросимларида: Олмаотада — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев, Бокуда — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. А. Алиев, Тошкентда — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Тбилисида — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. А. Шеварднадзе иштирок этдилар.

(ТАСС).

ИППОДРОМДА ТАНТАНА

9 майда Тошкент ипподромида ғалаба кунига бағишланган катта спорт байрами бўлди.

Шонли сана шарафига уюштирилган тантанали митингни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров очди. Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи ҳарбий кенгашининг аъзоси, сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-лейтенант В. С. Родин, ДОСААФ шаҳар комитетининг раиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ш. Умаров, Тошкент асбобсозлик заводининг слесари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Ефимков, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси М. Исматов, Тошкент педагогика институтининг студенти А. Саидалиева митингда сўзга чиқиб, Улуғ Ватан урушида совет халқи жасоратининг оламшумул тарихий аҳамиятга эга эканлиги, армия билан халқнинг монолит бирлиги, кекса авлоднинг совет ёшлари шараф билан давом эттираётган шонли анъаналари ҳақида гапирдилар.

Спорт байрамида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретарининг биринчи ўринбосари ва аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, М. М. Мусахонов, А. А. Хўжаев, Н. Ҳ. Худойбердиев, Г. М. Орлов ҳозир бўлдилар.

(ЎзТАГ).

ЗАРБДОР ВАХТАДА

«Ташкентгеология» бирлашмасининг парма ловчилари йил бошидан буён пландан ташқари 6 минг метрдан зиёдроқ парма лаш ишларини бажарди. Беш йиллик тўртинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа корхонанинг ҳамма бўлинмаларида кенг авж олиб кетди. Биринчи квартал якунларига кўра, бирлашма СССР Геология министрлиги ва тармоқ касаба союз Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

Биринчи квартал планини муваффақиятли бажарганликлари учун «Узбекгидрогеология» ва «Узбекнефтегазгеология» бирлашмаларининг коллективлари ҳам худди шундай фахрли мукофотга сазовор бўлдилар.

(ЎзТАГ).

ҚАҲРАМОНЛАРНИНГ АБАДИЙ ХОТИРАСИ

Ғалаба куни ҳар бир совет киши си хонадонига катта ва шонли байрам бўлиб кирди. Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларида қаҳрамонлар хотирасига ўрнатилган ёдгорликлар ва монументлар пойига 9 майда сон-саноқсиз гулдасталар қўйилди. Клублар ва маданият саройларида, парклар да фронтда қатнашган ветеранлар билан ёшларнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ғалаба кунида минг-минглаб тошкентликлар республика пойтахтининг Марказий майдонидаги В. И. Ленин ҳайкали, парадлар ҳисобидаги номаълум солдат қабри, мотамсаро она ҳайкали қўйилган ҳарбий қабристонга келдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи ҳарбий кенгаши, Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети, Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети номидан гулчамбарлар ва гулдасталар қўйилди.

Гулчамбарлар қўйиш тантанали маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, М. М. Мусахонов, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи Қўшинлари қўмондони генерал-полковник Ю. П. Максимов ўртоқлар қатнашдилар. Тантанали маросим қатнашчилари орасида СССР космонавт-учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. А. Жонибеков бор эди.

(ЎзТАГ).

БИР МИНУТ СУКУНАТ

9 май куни совет кишилари социалистик Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда жонини фидо қилган совет жангчиларининг порлоқ хотираси шарафига бир минут сукут сақладилар.

Миллион-миллион кишилар фашизмга қарши курашда ҳалоқ бўлганларнинг порлоқ хотирасига бағишлаб Бутуниттифоқ радиоси ва Марказий телевидениесининг эшиттиришини чуқур ҳаяжон билан тингладилар ва томоша қилдилар. «Қаҳрамонлар сира унутилмайди. Уларнинг овози ғалла бошоқларининг шовуллашида, янги қурилишларнинг жўшқин маромида, улуғ байрамнинг музаффар қуйларида янграйди. Улар авлодлар оша яшайди. Жангчиларнинг жасоратини тарих сақлаб қолади» деган сўзлар мотам садоси билан қўшилиб кетди. Соат 19... Тантанали сукунат дақиқаси бошланди. Совет Иттифоқининг барча радиостанциялари сукунат ичида. Телевизор экраналарида Кремль деворлари ёнидаги номаълум солдат қабри устида ёқилган абадий шуҳрат машъали.

Қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар бўлсин!

(ТАСС).

БИНОКОРЛАР САРДОРИ

— Мени бригадангларга ишга тайинлашди.

Илья Григорьевич ишдан тўхтаб, қаршисида турган ўрта бўйли, қорамағиз, юзи иссиқдан бир оз бўғриққан, пешонасида тер милтиллаётган йигитга тикилди.

— Яхши, — деди бригадир ва йигитнинг қўлидаги қоғозини олиб кўз югуртириб чиқди.

— Демак, ҳозирча ҳунарнинг йўқ. Майли, ўргатамиз.

Мухтор шу куннинг эртасидан бошлаб Гульцов бригадасида ишлай бошлади. Унга дурадгорлик касбини бригаданинг уста қурувчилари, кўпинча коллектив етакчисининг ўзи ўргатди. Бригаданинг яхши аъзоси хушмуомалалиги, ҳар бир ишга қизиқувчанлиги билан кўпчиликка, хусусан бригадирга ёқиб қолди. Участка прораби Азизов эса унга лойиҳаларни ўқишни, теодолит, невелир билан ишлаш йўлларини эринмай тушунтирди.

Бригадирни пенсияга узатишди. Коллективга эса ўн саккиз ёшли Мухтор сардор этиб тайинланди. Шундан сўнг иложи борича ҳамкасбларига ҳар соҳада ўрнак бўлишга интилди. Қурилиш ишларини ташкил этиш ҳақидаги китобларни кўп ўқиди. Ишга эрта келиб, бригададошлари келгунга қадар қилинадиган ишларнинг режаларини тузиб, кимга қайси ишни топширишни режа қилди.

Мухтор бошлиқ бригада асосан бинога дераза ва ромлар ўрнатиш билан шуғулланарди. Баъзан материаллар вақтида келтирилмаса, ёки ишни барвақт бажариб бўлса, янги объектларга юборишларини кутиб бекор қолардилар. Уша йиллари дастлабки комплекс бригадалар тузила бошлаган эди. Мухторнинг бригадаси дурадгорликдан ташқари бетончилик ҳам қила бошлади. Бетон ётқизиш учун эса қатламлар орасига арматура тўрларини ўрнатиш керак. Хўш, арматурачилар келишини кутиб ўтирмай, бу ишни ҳам ўзимиз қилсак бўлмайдими?

Бригада аъзоларининг йиғилишида шу масала муҳокама қилинди. Қурувчилар арматурачиликни ҳам, пайванд ишларини ҳам ўрганамиз, деган фикрни қўллаб-қувватлашди. Аста-секин бригада комплекс ишларни бажарувчи коллективга айланди.

Бригада йириклашиб, кўп соҳали бўлгач, Мухторнинг ишлари янада кўпайиб кетди. У аввалгидай катталардан билмаган нарсасини сўрашдан тортинмади, ўқиди, ўрганди. Хабибуллаев кўпроқ малакали бригадирлардан Петр Бэм ва Степан Караталовдан коллективга раҳбарлик қилиш маҳоратини, қурилишдаги айрим жараёнларни тез ва бенуқсон амалга ошириш сирларини ҳам ўрганди.

Бригадир аввало ўз коллективини тарбиялай оладиган, аъзоларига ўрнак бўлиши ҳам лозим. Қурувчилар ичида турли дунёқараш, ҳар хил миллатга мансуб кишилар бор. Уларнинг баъзиларига бир гап, кам, икки гап эса ортиқча. Бригадир ишчиларнинг кўнгил қулфига калит топа олмаса, унда коллективнинг ишида унум бўлмайди. Ишхона тарбия масканидек ҳам бўлиши жуда зарур.

Мухтор Хабибуллаевнинг, бригадирнинг ишлаб чиқаришдаги ўрни ҳақидаги фалсафаси ана шундай! Шу сабабли у бошлиқ коллективнинг иши доим юришади. Йиллар ўтган сари компромисс Хабибуллаевнинг бригадаси шарафли меҳнати билан эл оғзига тушди. У бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажаришга бел боғлаган ўн нафар ташаббускор қурувчиларнинг биридир. У пойтахт хуснига ҳол бўлиб тушган кўп объектларни қуришга ҳисса қўшди. В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали, Матлуботчилар уйи, Тошкент Давлат цирки, кўплаб уй-жойлар, мактаблар, болалар боғчалари сингари иншоотларни барпо этишда Мухтор бошлиқ коллективининг ҳам ҳиссаси бор.

Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери М. Хабибуллаев бригадаси шу кунларда Халқлар дўстлиги майдонида мамлакатнинг улкан томошагоҳларидан бири — кино-концерт зали қурилишида меҳнат қиляпти.

Коллектив объектда ишни ташкил этишнинг янги, прогрессив усули — хўжалик ҳисобининг участка пудрати методида иш олиб бораётир. Бригада республикамизда биринчи бўлиб, тўрт минг томошабинга мўлжалланган кино-концерт залидай улкан иншоотни хўжалик ҳисобида бунёд этишга киришди.

— Объект қандай бўлади, дейсизми? — дея саволимни такрорлади суҳбатдошим ва бир зум ўйлаб, гап бошлайди: — Бино корпусининг баландлиги ўн уч қаватли уйга тенг келади. Катта залга уч минг икки юз, балконларга саккиз юз томошабин сиғади. Бундай бино мамлакатимизда биринчи марта қуриляпти. Лойиҳасини Москвадаги тажриба-тарихасида иншоотлар қуриш илмий-тадқиқот институти яратган. Қурилиш Узбекистон Компартиясининг XX съезди ўтказиладиган 1981 йилда битказилиши керак эди. Аммо имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, объектни 1980 йилнинг сўнгги ойларида тугаллашга қарор қилдик.

— Хўжалик ҳисобидаги участкада иш қандай ташкил этилади?

БЕШ ЙИЛЛИК ҚАҲРАМОНЛАРИ

— Бу усул бригада пудрати методига ўхшаб кетади, лекин баъзи газеталарда ёзишганидек, злобинча метод эмас. Бригада пудрати методи типовой бинолар қуришга мўлжалланган. Ўтган йили Николай Анатольевич Злобин капитал қурилиш масалаларига бағишланган республикамиз партия-хўжалик активи йиғилишига таклиф этилганида, пойтахтнинг бир қатор қурилишлари қатори объектимиз билан ҳам таништирган эди.

— Мен ҳам сизларга ўхшаб катта иншоотлар қуришни орзу қиламан, — деган эди ўшанда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Злобин...

Участкамиз бошқармаларга бўйсунмайди. Барча масалалар бевосита трест билан ҳал этилади. Материал таъминоти, ишчи кучларини тақсимлаш, ёрдамчи пудратчилар билан алоқа ўрнатиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлатиш каби муаммоларни участка бошлиғимиз трест раҳбарлари билан ечади...

М. Хабибуллаев учун улкан кошонада металл конструкцияларни ўрнатишга бош-кош бўлиш осон бўлмаяпти. У ўқиб-ўрганяпти, пойтахт қурилишларида тўпланган тажрибаларни ишга татбиқ этяпти. Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Маннон Аҳмедов, Александр Путинцев сингари бинокорлар билан бамаслаҳат иш юритяпти.

Ўтган йили у трестнинг бирнеча мутахассислари билан Москвада — иншоот лойиҳасини тузган институтда бўлди. Лойиҳанинг бош архитектори Игорь Александрович Ленточников ва бошқа меъморлар ҳамда инженерлар билан учрашди.

— Катта залда куй оҳангига мос ҳолда ёруғлик кучи ўзгариб турадиган чироқлар ўрнатишга қарор қилдик, — деди Игорь Александрович тошкентлик дўстларига. — Бинога киравериш да ўрнатиладиган устунлар алюмин билан қопланади, ички интерьерларни қандай безаш ҳақида эса сизлар билан маслаҳатлашиб олсак. Ҳар қалай, сизлар ўзбек халқининг дидини, уларга кўпроқ нималар ёқишини яхши биласизлар...

Хабибуллаев меъморнинг сўзларини диққат билан тингларди. Кейин хаёлан ўзлари қураётган объект лойиҳасини пойтахтдаги қатор иншоотлерга солиштириб кўрди.

— Менимча, комплексга киравериш га ўрнатиладиган устунларга алюмин ўрнига мермер қопласак,— деди Хабибуллаев ҳамкасбларини меъморга маслаҳат тариқасида. — Чунки, мармер алюминга нисбатан бинога кўпроқ «ўркамлик, салобат бақш этади. Ҳозир Тошкентдаги кўп бинолар мармар билан қайта жилоланмоқда. Интерьерларни безашга келганда, ўзбек миллий ўймакорлик санъатидан кўпроқ фойдаланиш зарур. Республикамизнинг халқ усталари бу соҳада самарали иш олиб боришяпти. Бундан ташқари, бинода ўзбек тасвирий ўймакорлик санъати намуналари қанча кўп бўлса, халкимизга шунча манзур бўлади.

Мухтор фикрларини кўпчилик маъқуллаганини кўриб, лойиҳачиларга айрим эътирозларини ҳам айтди:

— Комплекснинг ички деворлари, вентиляция, ёритгичларни, ёнғинга қарши автоматика ускуналарини ўрнатиш лойиҳаларини тезроқ тайёрлаб беришингларни илтимос қиламиз. Чунки, тез кунлар ичида объектимизда ёрдамчи пудратчилар иш бошлаши керак.

Хабибуллаев Москвада бўш вақтларини бекор ўтказмади. Пойтахтдаги улкан олимпиада объектлари қурилишлари билан танишди. Лужникида кичик арена қурилишида 72 метрли тўсинларни монтаж қилаётган ҳамкасбларининг ишини обдон ўрганди. Тажрибали қурувчилар, монтажчилар билан учрашиб, уларнинг тажрибаларини ўрганди.

Бригада бажарган ишлар аъло сифатга қабул қилиняпти. Қурувчиларнинг ҳар бири икки-уч касб соҳибларидир. Коллектив ҳозир 1983 йилнинг февраль ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. Хўш, муваффақиятларнинг сири нимада?

— Коллективимизда эллликдан зиёд қурувчи бор, — дейди Мухтор ака. — Улар звеноларга бўлинган. Звено бошлиқлари ишнинг кўзини биладиган кишилардир. Мен уларга ишонаман, ҳурмат қиламан. Шунинг учун ҳар қандай топшириқ берсам ҳам сўзсиз яхши бажаришади. Баъзи бригадирларга ўхшаб, уларнинг тепасида туриб олиб, бўйруқ бермайман. Аммо ҳар бир топшириғимни қандай бажаришганлигини текшириб бораман.

Бригадамизда нуқсонсиз меҳнат табели бор. Буни трестда биринчи марта бизда қўллашяпти. Унга қурувчилар томонидан бажарилган ишнинг сифати, меҳнат интизомининг бузилиш ҳоллари ёки ибратли ташаббуслар ёзиб борилади. Бригада советида ишга сабабсиз келмаган қурувчи муҳокама қилинади. Советнинг қарорига кўра бу қурувчининг табелига меҳнат интизомини бузганлиги ҳақида белги қўйилади. Демак, у ойлик мукофатдан маҳрум қилинади...

Пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги майдонида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётир. Бу республика комсомолининг зарбдор объектида кино-концерт зали билан бирга ликда партия тарихи институти, партия архивининг бинолари, тўққиз қаватли уй-жойлар, «Олмазор» ва «Бешёғоч» турар жой массивлари, ерости тоннели қурилмоқда. Яқин келажакда, аниқроғи келгуси йилнинг охиригача майдон шаҳарнинг гўзал архитектура ансамбларидан бирига айланади. У мамлакатимиз халқлари дўстлигининг рамзий ифодаси сифатида қад кўтаради. Бундай олижаноб ишга Мухтор Хабибуллаев бошлиқ бригада ҳам катта ҳисса қўшаётир.

А. НИЁЗОВ.

«РУС ТИЛИ — СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ ВА ҲАМКОРЛИГИ ТИЛИ» БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН.

СЕВИМЛИ ВА ОММАБОП

«ШУНДАЙ пайт келадики (у узоқ эмас), рус тилини бутун ер шари бўйлаб ўрганишга киришадилар». Машҳур совет адиби А. Толстойнинг бу ажойиб сўзлари нақадар тўғри эканлигини турмушнинг ўзи тўла исботлади. Дарҳақиқат, улуғ ва қудратли рус тилининг умумдавлат ва халқаро аҳамияти бутун прогрессив инсоният ҳаётида салмоқли ўрин тутмоқда.

Унинг энг бой халқаро тилга айланиб қолганлигини ЮНЕСКО маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Ҳозир ер шаридаги ярим миллиардга яқин киши бу тилни озми-кўпми даражада билади. У чет элларда алоқа воситаси сифатида тобора аҳамият касб этмоқда.

Мана бир мисол. Ушбу нуфузли тилни кенг оммалаштириш мақсадида бундан 12 йил муқаддам рус тили ва адабиёти ўқитувчиларининг халқаро ассоциацияси ташкил топган эди. Мазкур уюшма рус тили мутахассислари ўртасидаги илмий ва педагогик алоқаларни мустаҳкамлаш, қатор мамлакатларда бу фанни ўқитишни янада яхшилаш йўлида кўп иш қилди.

Уюшманинг ибратли тадбирлари жойларда кенг ёйилди. Узбекистон телевидениеси ўқув программаси ўзининг махсус кўрсатувини ана шу масалага бағишлади. Серқуёш республикамизда севимли фаннинг жонкуяр тарғиботчиси ва самарали тадқиқотчиси, СССР Педагогика фанлари академиясининг мухбир аъзоси профессор О. Азизов кўрсатувда иштирок этиб, рус тилини ўрганишга бўлган қизиқиш билан боғлиқ ажойиб гапларни айтди ҳамда халқаро ассоциация фаолиятининг янги уфқлари ҳусусида батафсил тўхталди.

Ҳозир жаҳондаги қатор йирик илмий муассасалар уюшмага коллектив аъзо қилиб қабул этилган. Ўрта Осиёдаги тўнғич олий ўқув юрти — Ленин номли Тошкент Давлат университети ҳам унинг фаҳрли аъзоси сифатида фаол иш олиб бормоқда. Уша кўрсатувда университет профессор-ўқитувчиларининг уюшма программасини амалга ошириш сохасида кўраётган тадбирлари маъқулланди.

КЎРСАТУВ давра суҳбати столига тўпланган чет эллик ёшлар қардошлик ва ҳамкорлик тилини ўрганишга завқ-шавқ билан киришганликлари ҳақида ҳаяжонланиб гапиришди. Тошкентда таҳсил кўраётган чилилик йигит Луис Урибе қалб сўзларини тўкиб-сочди: «Тилни билиш — дилни билиш демакдир, — деди у. — Ҳамма тиллар ҳам гўзал, нуфузли ва мазмундор. Аммо, рус тилига келганда тўлқинланмай, фахрланмай гапира олмайсан, киши! Зотан, шу буюк тилга бўлган меҳр-муҳаббат бизни советлар диёрига етаклади. Қудратли тил орқали жуда кўп нарсани билиб олаяпмиз...».

«Зангори экран» орқали сўзга чиққан мўғулистонлик, кубалик, вьетнамлик студентларнинг ҳам фикри бир жойдан чиқди. Улар рус композиторлари қўшиқларини ижро этиб, русча шеърлар ўқишди.

Чиндан ҳам дўстлик рамзи бўлган улуғ тилни оммалаштиришда телевизион ўқув кўрсатувлари алоҳида ўрин тутмоқда. Мана ўн йилдан ошдики, ана шу программа «Зангори экран» орқали мунтазам намойиш қилиб келинмоқда. Севимли ва қизиқарли фанни ўрганувчиларга бағишланган кўрсатувлар ҳам кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортди. «Рус тили», «Рус адабиётидан ўқув кўрсатуви», «Она тилини ўрганамиз», «Ўзбек мактабларида рус адабиёти» каби кўрсатувларда бу фаннинг мўъжизакор кучи ва таъсири кенг ёритилмоқда.

Редакция яқинда яна бир тематик кўрсатувни экранга чиқарди. «Ҳаёт каби жўшқин», деб номланган мазкур программанинг қамров доираси анча кенг. Бу кўрсатувларда етакчи рус тили мутахассислари ва олимларнинг мазмунли чиқишлари уюштирилмоқда. Тошкентдаги республика рус тили ва адабиёти педагогика институтини битирган қишлоқ ўқитувчилари иштирокида ташкил этилган давра суҳбати жуда қизиқарли ўтди. Улар ўзлари ишлаб турган мактабларда ўқитиш ишлари қандай йўлга қўйилганлиги ҳақида гапиришди, бу соҳада қилиниши лозим бўлган вазифалар тўғрисида фикр алмашдилар.

Рус тилини ўрганиш ва ўқитиш бўйича Тошкентда ўтказилган координацион кенгаш қатнашчилари ҳам студия меҳмони бўлишди. Бу йигинга Москва, Киев, Олмаота, Ашхобод, Махачкала ва бошқа шаҳарлардан атоқли олимлар, педагог ва социолингвистлар таклиф этилган эди.

«Рус тили — СССР халқлари дўстлиги ва ҳамкорлиги тили» Бутуниттифоқ конференцияси муносабати билан яна қатор ўқув кўрсатувлари ташкил этилади. Катта анжуман қатнашчиларининг экран орқали чиқишлари уюштирилади.

А. АЛИЕВ.



Тошкентдаги республика рус тили ва адабиёти педагогика институти коллективи бўлажак конференцияга пухта тайёргарлик кўрмоқда. Суратларда: олий ўқув юрти ўзбек мактабларида рус тили фанини ўқитиш факультетининг ўқитувчиси Т. Н. Субочева студентлар билан. Шу факультетнинг студенти Ж. Мурақматова [ўнгда] техника воситаси ёрдамида ўз билимини оширмоқда.

А. Тўраев фотолари.



ҲАР БИР УЙДА ЯХШИ МЕБЕЛЬ БЎЛСИН

Куни кеча Тошкентда республика «Мебель-80» улгуржи ярмаркаси ишлай бошлади. «Тошкент» мебель бирлашмасининг виставкалар павильонида қўйилган диван, кровать, стенка, стол, стул ва бошқа уй-рўзғор ашёларининг юздан ортиқ намуналарини соҳа корхоналари беш йиллигининг сўнгги йилида магазинларга юборишни таклиф қилишмоқда. Ярмарка ишида республика мебель саноатининг ўнта корхонаси, шунингдек, Ўзбекистон маҳаллий саноат министрлигининг бир қанча фабрикалари қатнашмоқда.

Тошкент ошхона мебели заводининг коллективи республика улгуржи ярмаркасида биринчи бор қатнашди. Янгийўл мебель фабрикасига ярмарка комитети юксак баҳо берди. Шу корхона коллективи халқаро болалар йили шарафига ўз молларининг анчагина қисмини янгилади.

Соҳа корхоналари ярмарка қатнашчиларига 102 миллион сўмлик мол таклиф қилдилар. 1980 йилга мўлжалланган ишлаб чиқариш ҳажми ана шундай. Бу шу йил ишлаб чиқаришга мўлжалланганидан тўрт миллион сўм кўпдир.

СЕКРЕТАРЛАР СЕМИНАРИ

Бекобод район бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг семинари бўлиб ўтди. Семинарда район партия комитетининг биринчи секретари З. Т. Махсумов КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчилари ҳузурида сўзлаган нутқи асосида меҳнат коллективларини 1979 йил социалистик мажбуриятлари ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этишда бошланғич партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Секретарлар ҳузурида область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими инструктори М. М. Мирсоваров КПСС XXV съезди талаблари асосида ташкилий-партиявий ишларни янада такомиллаштириш, Бекобод район партия комитети секретари Т. Ширинов ҳозирги пайтда идеология ишларининг асосий йўналишлари тўғрисида докладлар билан чиқдилар.

Шундан сўнг секретарлар ўзаро тажриба алмашишди.

Семинар ишига область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари Н. Н. Насимов якун ясади.

Шундай семинар Тошкент районида ҳам бўлиб ўтди.

ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ЭЪТИБОР

ХАЛҚ депутатлари Чирчиқ шаҳар Советининг депутатлари ҳўжалик, социал-маданий қурилишга раҳбарлик соҳасида кўпгина ишларни амалга оширмоқдалар. Ҳар йили унинг сессия ва кенгашларида келгуси тараққиёт планлари аниқлаб олинади. Белгиланган вазифаларни амалга оширишда ҳам халқ вакиллари фаол иштирок этишади.

Жумладан саноат корхоналарини энг сўнгги фан-техника ютуқлари асосида жиҳозлаш, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатини яхшилаш ҳам шаҳар совети ижроия комитетининг мунтазам диққат-марказида. Ижроия комитет ва корхоналар раҳбарларининг кенгашлари, доимий комиссия йиғилишларида бу масала тез-тез муҳокама этиб борилаяпти. Шу туфайли шаҳар саноатининг ишлаб чиқариш қуввати тобора ортмоқда.

Беш йилликнинг уч йили мобайнида ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиш планидаги 112,7 процент ўрнига 113,6 процентни ташкил этди. Корхоналар коллективлари 1978 йилда маҳсулот реализация қилиш планини ортиғи билан бажардилар. Ишлаб чиқаришдаги маҳсулотларнинг 22,4 процентга давлат сифат белгисига сазовор бўлди. Социалистик мусобақа намуналарини йўлга қўйилган Чирчиқ трансформатор заводи, «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ғунча» тикув фабрикаси сингари коллективларда айниқса яхши натижаларга эришилди. Уларнинг ютуқларида корхона илғорлари бўлган кўплаб маҳаллий Совет депутатларининг муносиб ҳиссаси бор.

Область ижроия комитети депутатларнинг саноат корхоналарида ишлаб чиқариш суръатларини ошириш соҳасидаги хизматларини таъкидлаш билан бирга, эътиборни айрим камчиликларга ҳам қаратди. Шаҳар ижроия комитети ўз территориясидаги давлат, хўжалик ва социал маданий қурилишга раҳбарликни СССР Конституциясида берилган ҳуқуқлар даражасида олиб бормаяпти. Бу саноат корхоналарининг фаолиятини контроль қилишга ҳам тааллуқлидир. Сессия ва кенгашларда бевосита корхона раҳбарларининг ҳисоботлари тингланиб, илғор тажрибалар оммалаштирилмаяпти. Кадрлар қўнимсизлигини тугатиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолига маданий-маиший ва медицина хизматини яхшилаш масалаларига лозим даражада эътибор берилмаяпти. Мавжуд нуқсонлар айрим саноат корхоналари ишлаб чиқаришида ўз ифодасини топмоқда. Бу умумий кўрсаткичларни бир мунча пасайтираяпти.

Шаҳар Советининг депутатлари саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, янги техника ва прогрессив технологияни ўзлаштиришни такомиллаштириш учун ана шуларга кенг эътибор беришлари лозим.

ЗАРБДОР СОҲА

Область ижроия комитети партия XXV съезди қарорларини амалга ошира бориш натижасида жойларда чорвачилик соҳасида алоҳида ютуқларга эришаётганлигини қайд этди. Жумладан аҳолидан ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қарид қилиш кўлайиб, шахсий хўжаликларда чорвачилик ривожлантирилаяпти. Ўтган йили қорамол ва паррандалар сотиб олиш плани 108 процент, сут 118 процент ва тухум қарид қилиш 101 процентга бажарилди. Олдинги йилга нисбатан 1978 йилда 762 тонна гўшт, 105,25 тонна сут кўп қабул қилинди.

Бироқ аҳолининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун маҳаллий партия ва хўжалик органлари, шу жумладан совет ташкилотлари яна кўпгина вазифаларни адо этишлари лозим. Айрим районларнинг хўжаликларида қорамол ва паррандаларни кўпайтириш, чорва моллари ишлаб чиқариш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан ташкилий ишлар суст олиб борилаётир.

Аҳолининг шахсий хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш учун район, қишлоқ ва посёлка советларининг олдида турган вазифалар область ижроия комитетида кўрсатиб берилди. Жумладан ҳар бир оила ва хўжаликда паррандачилик ва қўёнчиликни ташкил этиш, бу соҳадонларда улар парваришни учун зарур шарт-шароитлар яратиш лозим. Жойларда ташкилотларнинг коллектив фермалари очилиб, уларни дағал озуқа ва ем билан таъминлаш, чорвачилик бинолари қуришни планлаштириш керак.

Область ижроия комитетида шахсий хўжаликларда чорвачиликни ривожлантиришнинг 1979 йилга мўлжалланган аниқ тадбирлари ҳам белгилаб берилди.

ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИГА

КЕНГ ЙЎЛ

Охунбобоев қишлоқ совети экин майдонларидан унумли фойдаланиш, ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилдорликни кўпайтиришда алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Доимий комиссиялар, депутатлар, мутахассислар ва қишлоқ хўжалик илғорларининг ташаббуслари ўз вақтида қўллаб-қувватланганлиги туфайли фойдаланилмаётган кўпгина майдонлар экин оборотига киритилмоқда. Унинг территориясидаги Охунбобоев номли колхоз маданий-маиший ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш қишлоқ совети ижроия комитетининг ҳамиша диққат марказида турибди. Шу каби ибратли тажрибалар ўз навбатида яқинда Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан маъқулланиб, уни кенг ёйиш тавсия этилди.

Область ижроия комитетида экин майдонларидан фойдаланишни яхшилаш ва маҳаллий советларнинг бу соҳадаги ролини ошириш мақсадида қарор қабул қилинди. Қарорга биноан Охунбобоев қишлоқ советининг тажрибаси областнинг ҳамма маҳаллий советларида ўрганилиб, кенг жорий этилиши зарур. Унда ижроия комитет, доимий комиссия ва депутатларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларини юксалтириш, жамоат ерларни унумдорлигини ошириш учун курашни янада кучайтиришларига ишонч билдирилади.

ИШОНЧЛИ МАНБА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Малакали кадрлар тайёрлашни янада яхшилаш ва уларнинг қурилишда доимий ишлашини таъминлаш чоралари тўғрисида»ги қарорида кўрсатиб ўтилганидек, 1979—1980 йилларда қурувчи ва монтажчилик касбларига эга бўлган 600 мингдан зиёд малакали кадрлар тайёрланиши керак. Бу, ўз-ўзидан бўлмайди, албатта.

Ўтган йилнинг кузида район марказида иш бошлаган 189-қишлоқ ўрта ҳунар-техника билим юрти ҳам худди шу мақсадда барпо қилинган. Ҳозир бу ерда 110 нафар ўқувчи ҳунар ўрганмоқда. Билим юртига ўқувчилар (касблар бўйича) район қурилиш-монтаж ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжига қараб танлаб олинади. Улар ғишт терувчи, дурадгор, водопровод ва газ монтажчиси, автослесарь, электромонтёрлик касбларини эгалламоқдалар.

Ўқувчи ёшларга яхши жиҳозланган ётоқхона, ошхона ажратилган. Улар кунига уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланади. Қийим-кечак берилган. Уларнинг бу ерда ўқиган даврлари узлуксиз иш стажига қўшилади, олий ўқув юртига киришлари учун имтиёзлар берилади. Ёшлар ўрта маълумот олишининг бошқа янги формаси бўлмиш ҳунар-техника билим юрти муҳим аҳамиятга эга. 8-синфни тугатган ёш йигит-қизлар бу ерда 3 йилда умумий ўрта маълумот олади ва ишчи касбини эгаллайди. Ўрта маълумот ҳақидаги аттестат билан бирга касби тўғрисида гувоҳнома, диплом ҳам топширилади.

Профессионал-техника билим юрти халқ хўжалигига керак бўлган барча касбларда ишчи кадрлар тайёрлашнинг ишончли манбаидир. Билим юртлари ўқувчиларининг контингенти жуда тез ўсмоқда. Узбекистонда 356 та ҳунар-техника билим юртлари бўлиб, уларда 90 минг ўқувчи ўқимоқда. Иттифоқимизда 9,6 миллион ёш ҳунар-техника билим юртларида касб ўрганмоқда.

Бизнинг билим юртимиз янгидан ташкил бўлганига қарамай, қисқа вақт ичида замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Бу борада район партия комитети, район ижроия комитети ва бошқа жамоат ташкилотлари бизга катта ёрдам берди.

Ёшларга пухта билим бериш, уларни малакали кадрлар қилиб тарбиялаш кўп жиҳатдан педагогларнинг тажриба ва маҳоратига боғлиқ. Биз педагог кадрларни танлашда масаланинг ана шу томонларига жиддий аҳамият бердик. Ҳозир билим юртимизда аҳил, бир-бирига иззат-ҳурматли, билимдон педагогик коллектив вужудга келди. Р. Ҳасанов, А. Ли, З. Маматова, С. Юсупалиев, И. Лян, В. Ким ва бошқа илғор педагогларнинг ибратли ишлари мақтовга сазовордир. Ўқувчилардан Маҳмуд Турдиқулов, Ҳасан Фойиқов, Собир Мустафоев ва бошқа кўпгина ёшлар билим ва малакаларини оширишда, касб-ҳунар ўрганишда бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Касб танлаш ўқувчининг шахсий иши эмас. У жуда катта ахлоқий-эстетик ва социал-иқтисодий аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ёшларнинг касб танлашида уларга катталар ёрдам бериши зарур. Меҳнат ҳақидаги қуруқ гаплар билан инсонда меҳнатсеварликни шакллантириб бўлмайди. Инсон қанчалик ақл-идрокли, продали бўлса, унда меҳнатга интилиш шунчалик ортади. Шундай экан, ёшларни 5—6-синфларда ўқишидан бошлаб бирор касбга йўналтириб бориш, бизнингча жуда маъқул иш бўлган бўларди.

Республикамизнинг машҳур кишиларидан икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова, Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиси, СССР Олий Совети депутати Дилбар Қулматова ва бошқа жуда кўплаб меҳнат илғорлари ҳаммамизга маълум. Уларнинг меҳнат биографияси эса ҳунар-техника билим юртларидан бошланган. Муваффақиятларга эришишга имкон берган ҳислатларни улар билим юртида шакллантирдилар.

Бугунги ўқувчи эртага — ишчи, қурувчи, бинокор. Билим юртимизни битириб чиқадиган ёшларнинг барчаси келажакда районимиз қишлоқлари қиёфасини янада ўзгартиришга ҳиссат қилади.

М. ИДРИСХЎЖАЕВ,
Оққўрғон районидаги 189-қишлоқ ўрта ҳунар-техника билим юртининг директори.

Калинин районидаги «Ўзбекистон» паррандачилик фабрикаси коллективи аҳолига йилдан йилга кўплаб пархез тухум етказиб бериш учун курашмоқда. Фабрикада ҳозир 700 мингдан зиёд парранда боқилмоқда. Корхонанинг меҳнатсевар ишчилари паррандаларни меҳр билан парвариш қилиб, планларини ўз вақтида бажариш чораларини кўрмоқдалар.

Яқинда фабрикада бир суткали жўжанинг жинсини аниқлаб саралайдиган бригада тузилди. Суратда: 1. Фабрика инкубатор цехи. 2. Цех бошлиғи ўртоқ Л. Лебедова ходими билан бир суткалик жўжаларни кўздан кечиришмоқда.

Н. Муҳаммаджонов фотолари.





Четэл янгиликлари

МРБ ВА АФГОН КОНТРРЕВОЛЮЦИЯСИ

БАЙРУТ, 8 май. (ТАСС). Ливанда чиқадиган «Ал Кифоҳ Ал Араби» ҳафтномаси Қўшма Штатлар Афғонистон Демократик Республикасига қарши қўпорувчилик ҳаракатларини ташкил этишда бевосита қатнашмоқда деб хабар беради. Журналнинг ёзишича, Покистон территориясида Афғонистон чегараси бўйлаб АҚШ Марказий разведка бошқармасининг назорати остида 20 та ҳарбий лагерь тузилган бўлиб, АДРда халқ ҳокимиятига қарши чиқаётган аксилинқилобий ташкилотларнинг аъзолари ана шу лагерларда тайёргарликдан ўтмоқда. Афғонистон аксилинқилобчиларининг штаб қароргоҳи Пешаворда, америкалик амалдор ижарага олган уйда жойлашган бўлиб, унинг бошлиқларига МРБ ходимлари муттасил инструкция бериб турибдилар. Шу ходимлардан иккитаси Лиссард ва Дубрих деган номлар билан машҳур. Америкаликлар шу уйда радиоаппаратлар ўрнатишган бўлиб, бу аппаратлар Афғонистон территориясига юборилиб турилувчи диверсиячи шайкалар ҳамда барча ҳарбий лагерлар билан алоқа боғлашга имкон беради.

КИТОБ — ОФТОБ

КИТОБНИ офтобга қиёс қилиб, уни ақл чароғи, дейишади. Донолар не-не табаррук сўзлар айтишмаган китоб ҳақида. Бу сўзлар бизнинг ҳозирги кунимизда, элимиз-юртимиз ёппасига саводхон бир даврда янада тушунарли ва қадрли. Зеро, ҳозир ўз кутубхонаси ёки қироатхонаси бўлмаган бирорта аҳоли пункти, ҳатто муассасани топиш қийин. Чиноз районидаги Максим Горький номли кутубхона социалистик қишлоқларимиздаги ана шундай китоб хазиналаридан биридир.

Кутубхона бой китоб фондига эга. Ундаги китоблар сони айни кунда 33 минг нусхадан ошади. Ҳозир бу ерда сақланаётган бадиий, илмий ва техникага оид адабиётлардан 2300 ўқувчи фойдаланмоқда. Бундан ташқари кутубхона 35 хилдан ортиқ номдаги газета ва журналларни мунтазам олиб туради.

Энг маскани коллективи кенг китобхонлар оммаси ўртасида тарғибот ишларини намунали йўлга қўйган. У, айниқса, район хўжаликлари ва кекса китобхонлар билан яхши алоқада. Жумладан, жойларда тез-тез янги китоблар кўргазмалари, китобхонлар конференциялари ташкил этилаётир. Кекса китобхонларга маънавий хизмат кўрсатишда оталиқдаги «Правда», Пушкин номли, «Ўзбекистон» мактабларининг ўқувчилари яқиндан қатта ёрдам бериб келишаяпти. Улардан қишлоқ китобхонлари бениҳоя хурсанд.

Кутубхона ишини намунали йўлга қўйишда 1938 йилдан бўён унга мудирлик қилиб келаётган Зинаида Владимирова ва кутубхоначи Раъно Абдувалиевалар-нинг хизматлари катта.

А. ТОЛИПОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

САФАРБАРЛИК

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИДАГИ «КОММУНИЗМ» КОЛХОЗИДА ҚАТҚАЛОҚНИ ЮМШАТИШ УЧУН ҚАНДАЙ ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

УФҚҚА бош қўйган кенг карталар қорайиб кўринади. Идорадан чиқиб пахта майдонларига йўл олган кишиларнинг нигоҳи мурғак ниҳолларда. Бунгача озмунча тер тўкилдими! Тракторчи, механизатор, селякчилар кафтдек текисланган ерларга уруғ қададилар. Улар гайрат камарини маҳкам боғлашиб, тез кунда барча майдонларга туксиз уруғ қададилар. Иш ниҳоясига етмасдан ёмғир устига яна ёмғир ёғаверди. Чигит намиққан тупроқ остида қолиб кетди. Ердан ниш уриб чиққан ғўза кўчатларини бир неча кун узлуксиз ёғиб ўтган ёмғир қатқалоқ иснканжасига олган.

Тўғрисини айтганда, бу аҳвол бироз шошилтириб қўйди. Бригада ва механизаторларнинг режалари бузилди. Икки-уч кунлик иш олти-етти кунга чўзилди. Лекин улар сира тушкунликка тушмай, қаҳрамонона меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Далада иш тонг отганда бошланади. Қош қорайганда тугалланади. Тракторчи ва ёрдамчиларни айтмайсизми? Мана энди ҳаво юришиб кетди. Қўш қурлари тупроқни қиздирмоқда. Кенг қаторли карталардаги ғўзалар маржондек кўзга ташланади. Ҳарорат кўтарилган сари кўчатлар бўйига-бўй, энигаэн қўшмоқда.

Айниқса, шудгордан олдини тупроққа маданий ва маҳаллий ўғит солинган майдонлардаги ўсимликнинг ривожи қўнгилни хуш этади. Ер пахтадек юмшоқ. Уруғ чиримаган. Шоҳ илдизлари бақувват. Эркин нафас олиб ўсмоқда.

— Лекин, — дейди колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Маҳмуд Исматов, — буларга маҳлиё бўлиб қўл қовуштириб ўтираётганимиз йўқ. Қатқалоққа қарши ҳамма участка ва бригадаларда кескин қураш бошладик.

Ҳа, шундай бўлди. Зудлик билан мотигалар тайёрланди. Активлар ички имкониятларни ишга солишди. Ёғоч тахтачалардан минглаб куракчалар қилишди. Кўчат атрофларини юмшатишни кучайтириб юборишди. Вақт билан ҳеч ким ҳисоблашмай қўйди. Ҳамма кўчатни сақлаб қолишга ҳаракат қиляпти. Механизаторлар, тракторларига культиваторларни ўрнатиб қатор ораларига ишлов бермоқдалар.

Қишлоқдаги аҳолининг деярли ҳаммаси иш бошига ривожи қўнгилни хуш этади. Ер пахтадек юмшоқ. Уруғ чиримаган. Шоҳ илдизлари бақувват. Эркин нафас олиб ўсмоқда.

— Лекин, — дейди колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Маҳмуд Исматов, — буларга маҳлиё бўлиб қўл қовуштириб ўтираётганимиз йўқ. Қатқалоққа қарши ҳамма участка ва бригадаларда кескин қураш бошладик.

Ҳа, шундай бўлди. Зудлик билан мотигалар тайёрланди. Активлар ички имкониятларни ишга солишди. Ёғоч тахтачалардан минглаб куракчалар қилишди. Кўчат атрофларини юмшатишни кучайтириб юборишди. Вақт билан ҳеч ким ҳисоблашмай қўйди. Ҳамма кўчатни сақлаб қолишга ҳаракат қиляпти. Механизаторлар, тракторларига культиваторларни ўрнатиб қатор ораларига ишлов бермоқдалар.

Айниқса, шудгордан олдини тупроққа маданий ва такорлар уруғ қадалмаган бир парча ҳам ер қолмасин, ҳар гектар майдонда кўзда тутилганидан 15—20 минг туп ортиқ кўчат ҳосил қиламиз, деган шиорни ўртага ташлаб ишлаяпти. Илдизи чириб, ривожланмай қолган ниҳоллар ўрнига уруғ ташламоқдалар. Ўқ аскилар аудлик билан олиниб, четларига чигит экилмоқда.

Айниқса, колхознинг 6-бригадасида механизаторлар ташкил қилиниши ҳамманинг ўнинчи бешйилликдаги вазифалари ҳақида тўхталиб, сифат кўрсаткичларига, айниқса, кўпроқ эътибор бериш лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Шунинг учун ҳам жуннинг сифати ҳақидаги масала муҳим аҳамиятга эга.

Кўп вақт қўйларни ёмон боқиш оқибатида толанинг сифати пасаяди, у ингичка тортади. Яхши боқилган жониворларда жун қопламаси текис ва у чўзилувчан бўлади. Бундай қўйларнинг жуни олинганида машина яхши ишлайди ва жуни осон, текис қирқади.

Шунинг учун ҳам хўжаликларнинг раҳбарлари ва чўпонлар жун қирқиш олдидан қўйларни яхшилаб боқилишига эътибор беришлари лозим.

Бўстонлик районидаги Фрунзе, Жданов номли колхозларда, «Хўжакент» совхозида қўйларнинг жунини қирқиш яхши ташкил этилган. Малакали жун қиркувчилар қўйларни тоза қиркувдан чиқарадилар. Бу хўжаликлар ҳар бир қўйдан 3—3,5 килограммдан жун қирқиб олиб, план топшириқларини анча ошириб адо этмоқдалар.

Қўйларнинг жунини олганда сифатга, айниқса, эътибор бериш керак. Қўй танасида қолиб кетган бир тутам жун шировардида кўп миқдордаги қимматли хом ашёнинг йўқотилишига сабаб бўлади. Ингичка толали, ярим ингичка толали, ярим дағал жунли қўйлар биргаликда боқилаётган колхоз ва совхозларда жун қирқишни табақалаштирган ҳолда ўтказиш шарт. Агарда қўйлар жун қирқиш пунктига ҳайдаб келинаётган вақтда ёмғир остида қолса, уларни, албатта, қуритиш ва шундан сўнггина жун қирқишга киришиш керак.

Жунни тойларга жойланганида унинг намлиги 20 процентдан юқори бўлса, толасига зиён етади. Айрим ҳолларда эса, маҳсулот умуман яроқсиз ҳолга келиб қолиши мумкин. Бундай жун бўёқни ўзига бир текис

Қийинчиликларни енгиб

Ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштирамиз.

«Оққўрғон» совхози 6-бўлими деҳқонларининг ахди ана шундай. Улар бу йил 515 гектар ерда пахта етиштирмоқдалар. Лекин бу йўлда катта-катта қийинчиликларга дуч келишди. Чигит вақтида экиб олиниди-ю, бироқ кучли сел натижасида қаттагина майдонлардаги ғўзалар зарар кўрди. Деҳқонлар тиним билмай меҳнат қилдилар. Мавжуд техника тўла сафарбар этилди. Қатқалоқ юмшатилмоқда. Ҳозирги кунда бир текис униб чиқаётган ниҳоллар кўзни қувонтиради.

Бўлимнинг Гулизор Ҳайбуллаева, Михаил Ковешников, Бекки Худойберганов каби бригадаларида дала ишлари, айниқса, намунали ўтказилмоқда. Чигит экишда фидокорлик кўрсатган Тоҳир Аҳмадалиев, Ристой Мамадалиев, Мамат Қурбонов, Зокир Қосимов каби механизаторлар шу кунларда культивация ўтказишда ҳам бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

О. ТЎРАҚУЛОВ.

ПИЛЛАМИЗ — ТИЛЛАМИЗ

КАЛИНИН райони «кумуш тола» ижодкорлари ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида она-Ватанга 132 тонна аъло сифатли пилла етказиб бериш учун ҳозирги кунда қурт боқиш мавсумини уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар.

Заршунослар бу йилги қурт боқишга пухта тайёргарлик кўрдилар. Район бош пилла-хонасида хўжаликларнинг пилла-чилик бригадирлари, агротехниклари, звено бошлиқларининг ўқуви ташкил этилди. Илғорлар тажрибаси кенг ёйилди. Тут плантацияларини кенгайтиришга эътибор берилиб, ўтган йил баҳорида райондa 400 минг туптан зиёд тут кўчатлари ўтказилганди.

Бош пиллахонадаги ремонт ишлари барвақт тугалланди. Ҳар ярим соатда 480 килограмм пиллани пишитиб берадиган бункерлар, печлар жорий ремонт қилиниб, замонавий ускуналар билан жиҳозланди.

Колхоз ва совхозлардаги пилла қабул қилувчи пунктлар тартибга келтирилди. Қуртхоналар дезинфекция қилиниб етарли анжомлар билан таъминланди.

Орженикидзе номли, Калинин номли колхозлар, «Хасковой», «Назарбек» совхозларининг омилкор пиллачилари бу йил ҳар қути қурт уруғидан 120 килограммга етказиб хирмон кўтариш ташаббуси билан чиқдилар. «Партия XX съезди» колхозининг илғор қуртбоқарларидан Умри Файзиева, Хатми Сулаймонбекова, Назирбек Еқуббековлар ҳар қути қурт уруғидан 125—130 килограммдан хирмон кўтариш учун курашмоқдалар.

Бу йил она-Ватанга жами 13 тонна аъло навли пилла топширишга азму қарор қилган «Партия XX съезди» колхозининг 200 хонадонидаги ипак қуртлари айни кунда яхши парвариш туфайли тез ривожланмоқда. Орженикидзе номли колхознинг 212 хонадонига тарқатилган 160 қути қурт уруғи ҳам соғлом ўсяпти. Хўжаликнинг илғор заршуносларидан Ф. Саидова бу йил 10 қути қурт уруғи парвариш қилаётир. Унинг издошлари, тажрибали қуртбоқарлар Ҳолида Ҳамроева, Пардабой Юнусов, Гулсун Муҳаммаджоновалар икки-уч қутидан ипак қурти боқмоқдалар.

Гагарин номли боғдорчилик совхози пиллачилари ҳам районнинг илғор заршуносларидан ибрат олиб, 180 хонадонда ипак қурти боқишяпти. Ўтган мавсумда пиллачиликда яхши натижаларга эришган «кумуш тола» ижодкорлари бу йил ҳар қутидан 100 килограммга етказиб хирмон кўтаришни мўлжалламоқдалар. Совхознинг М. Обидов, Р. Тўйчиева, С. Урозова каби машъал пиллачилари қурт боқиш технологиясига қатъий амал қилиб, меҳнатда кузончли натижаларга эришишяпти.

Х. ШАРИПОВ.

ҚАМИША ҚАЛБИМИЗДА ВА ХОТИРАМИЗДА

Бу тонг музика садолари қувноқ маршлар билан бошланди. Оталар ишчи давом эттираётган ёшлар колоннаси саф-саф бўлиб Ленин комсомоли номидаги маданият ва истироҳат боғи томон оқиб келди. Боғ ўртасидаги мардлик монументи гуллар оғушида. Бу монумент оталар, аналар жасоратининг рамзидир. Монумент майдонида ғалаба кунига бағишланган ёшлар митинги бўлди. Сўнг боғ бўйлаб байрам тадбирлари бошланиб кетади. Уқув залида «Улар номи ўчмайди», «Тинчлик постида» деган темаларда фотовиставкалар ташкил қилинган. Болалар майдончасида Улуғ Ватан урушн қатнашчилари иштирокида қизиқарли учрашувлар бўлди. Учрашувларга куй ва қўшиқлар уланиб кетди.

Кинолекторий ҳам қатнашчиларга қизиқарли программадаги суҳбатлар тайёрлаган эди. Бу ерда Улуғ Ватан урушидаги совет халқи ғалабасининг тарихий аҳамияти ҳақида лекция бўлди. Лекция давомида уруш йилларини ифодаловчи фильмлардан парчалар кўрсатилди.

М. ЗАРИПОВ.

ЖУН ҚИРҚИШНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗАЙЛИК

ТОШКЕНТ областининг тоғ ва тоғ олди зонасида ярим майин жунли қўйлар йилдан-йилга тобора кўпроқ боқилмоқда. Бундай қимматли саноат хом ашёсини етиштириш йилдан-йилга кўпаймоқда. Гилам маҳсулотлари тайёрлаш учун ишлатиладиган ярим дағал жун берадиган сараджин наслли қўйлар ҳам кўплаб боқиляпти.

Жун қирқиш мавсуми қўйчиликда энг муҳим давр ҳисобланади. Ҳар бир хўжаликда баҳорги жун қирқиш муддатлари оби-ҳаво шароити, қўйларнинг ва жун қопламининг ҳолатига қараб турлича белгиланади. Одатда бу тадбир иссиқ кунларда ўтказилади. Жун қирқишни сира кечиктириб бўлмайди. Чунки, қўйлар тўлаши натижасида кўп миқдорда жун йўқотилади. Чунончи, Ўзбекистон шароитида иссиқ кунларда жуни олинмаган жониворлар қаттиқ қийналади, иштаҳаси яхши бўлмайди, унинг маҳсулдорлиги камайиб кетади.

Оҳангарон районидаги «Ангрен» совхозининг жун қирқишни ўтказиш соҳасидаги тажрибасини ибрат қилиб кўрсатиш мумкин. Ўтган йили қўйларнинг жунини олишда меҳнат яхши уюштирилганлиги туфайли совхозда 13 мингдан ортиқ қўйнинг жуни 10 кун ичида қирқиб бўлинди. Ҳар бир қўйдан ўртача 3 килограммдан зиёд юқори сифатли жун олинди.

Хўжалик ҳар йили давлатга жун сотишдан 180 минг сўмдан ортиқроқ фойда кўрмоқда.

Жун қирқиш пункти жойлашган хона кенг ва ёруғ бўлиши лозим. Бунда ҳар бир жун қирқувчи ўз иш жойига эга бўлсин. Чунончи, жунни классларга ажратиш учун стол қўйиладиган ер сахни бўлиши шарт.

Жун қирқиш пункти жойлашган хонада ҳаво юриб туриши керак. Бунинг учун унга вентиляция ўрнатилиши ва ташқаридан соф ҳаво кириб туриши таъминланмоғи лозим.

Пункт яқинида яхши яйлов ва сувлоқ, шунингдек, ёрдамчи хона бўлмоғи лозим. Чунки, ёмғир ёғиб қолган тақдирда қўйлар ана шу хоналарга олиб ўтилади.

Оҳангарон районидаги «Ангрен» совхози, Тошкент завод конторасида жун қирқиш пункти яхши жиҳозланган. Бу хўжаликларда меҳнат ишнинг кўзини билиб, тўғри ташкил этилганлиги, жун қирқувчиларнинг юксак маҳорати туфайли хўжалик ҳар йили мавсумни ўз вақтида ва қисқа муддатларда ўтказиб келмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев партия Марказий Комитетининг ноябрь (1978 йил) Пленумида сўзлаган нутқида чорвадорларга жун қирқишнинг муваффақияти бу ишга малакали жун қирқувчиларнинг доимий бириктириб қўйилишига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Чўпонларнинг меҳнатига ҳозирги вақтда олинган маҳсулотнинг миқдорига қараб ҳақ тўланмоқда. Лекин, тажриба шуни кўрсатмоқдаки, улар меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини қайта кўриб чиқмоқ лозим. Ҳақ тўлашни қирқилган жуннинг (ҳар бир отарда) сифати ва классига қараб амалга ошириш керак.

Корхоналарга топширилган жун биринчи қайта ишловга берилганда унда маҳсулот топширувчи хўжаликлар мутахассисларининг иштирок этишлари мақсадга мувофиқдир. Бу жун ассортиментининг яхшиланиши, сифатининг ошиши, топширилган маҳсулот учун моддий манфаатдорликнинг кўпайишига кўп жиҳатдан шароит яратади.

Б. УРИЦКИЙ,
чорвачилик илмий-текшириш институтининг илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

ТАЗЙИҚ РАД ЭТИЛЯПТИ

ҚУВАЙТ, 8 май. (ТАСС). Саудия Арабистони ҳукумати Марказий разведка бошқармасининг подшо оиласида ташқи сиёсат масалалари хусусида келишмовчиликлар бор деб жўрттага миш-миш тарқатиш билан шуғулланган агентларини мамлакатдан чақириб олишини АҚШдан талаб қилди, деб хабар беради Қувайтнинг «Ал-Кабас» газетаси.

Газетанинг ёзишича, оқ уй Саудия Арабистонига муроҳаат этиб, «шу муаммони ёймасликни» ва фош қилинган агентларнинг номларини, шу жумладан Америка разведкасининг бу мамлакатдаги бош резиденти номини ошкор қилмасликни сўраган.

Бундан аввал Америка разведкасининг Саудия Арабистони ҳукмрон доираларида «келишмовчиликлар» борлиги ва бу келишмовчиликлар гўё мамлакатда «сиёсий беқарорликка» олиб келиши мумкинлиги хусусидаги ғирвогарлик хабарлари АҚШ матбуотида «чиқиб қолганди». «Ал-Кабас» газетасининг таъкидлашича, бундай хабарларнинг эълон этилиши арабларнинг дунёсида МРБнинг Миср-Исроил сепарат битими муҳолифлари орасида ихтилоф чиқаришга очиқдан-очиқ уриниши деб қабул қилинади.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● БУДАПЕШТ. Венгрия Халқ Республикасида фашизм устидан қозонилган галабанинг 34 йиллигига бағишланган тинчлик ва дўстлик ойлиги бошланди. Шаҳар ва қишлоқларда тантанали йиғилишлар давом этмоқда. Бу йиғилишларнинг иштирокчилари Венгрияни озод қилган ва унинг мустақиллигини мустаҳкамлаган совет халқининг қаҳрамон фарзандларига иззат-ҳурматларини изҳор қилмоқдалар.

● МАДРИД. Испанияда меҳнаткашларнинг ўз ҳуқуқлари учун кураши кенгайиб бормоқда. Малагадаги «Аутомобилес Портильо С. А.» транспорт компанияси ишчилари ва хизматчиларининг забастовкаси ўттиз кундан кўпроқ вақтдан буён давом этмоқда. Бу компаниянинг ишчи ва хизматчилари иш ҳақи оширилсин, ҳар йил ҳақ тўланадиган гарантияли отпуска берилсин ва касал бўлиб қолганда нафақалар тўлансин, деб талаб этмоқдалар. Иш ташловчилар коллектив шартномаларни қайтадан кўриб чиқиш тўғрисида корхона эгалари билан музокаралар олиб боришини ҳам қаттиқ талаб қилмоқдалар.

Балеа оролларидаги бивоко ишчиларидан йигирма мингдан зиёд киши беш кунлик забастовка эълон қилди.

● БАЙРУТ. Исроил босқинчилари Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида бебошликни давом эттирмоқдалар. Оккупациячи маъмурлар Вифлеем шаҳридаги яна бир ўрта мактабни номаълум вақтгача ёпиб қўйдилар. Солдатлар мактабга кирмоқчи бўлган бир неча ўқувчини милтиқ қўндоқлари билан савалаядилар.

Яқинда Вифлеем ва Бир-Зейт университетларининг студентлари босиб олинган араб территорияларида босқинчиларнинг бебошлигига қарши ўтказилган норозилик намойишларида қатнашганликлари учун уларга қарши репрессия чоралари кўрилди ва кўп киши қамоққа олинди. Бу университетларнинг юзлаи ортиқ студенти қамаб қўйилди.

● САН-ХОСЕ. Бу ерда Сандино номли миллий озодлик фронтининг баёноти тарқатилди. Бу баёнотда Никарагуада демократик тузум ўрнатиш учун олиб бораётган кураш программаси баён қилинган.


Миллий озодлик фронти, дейилади хужжатда, реакцион режимни агдариб ташлаш ва мамлакат ҳаётини демократлаштиришни ўзининг асосий вазифаси, деб билади. Шу мақсадда Никарагуада Сомоса тўдаси агдариб ташланганидан кейин миллий бирлик муваққат ҳукумати тузилиши керак. Ҳозирги пайтда диктатурага қарши курашда бирлашган барча сиёсий кучлар унинг вакиллари шу ҳукумат ҳайъатига кириши лозим. Муваққат ҳукуматнинг мақсади — мамлакатни жиноий Сомоса режими дучор килган чуқур сиёсий, иқтисодий ва социал кризисдан халос қилишдир.

(ТАСС, 8 май).

ЛОНГВИДА МИТИНГ

ПАРИЖ, 8 май. (ТАСС). «Юзинор» трестининг Лонгви шаҳридаги энг йирик пўлат қуйиш комбинати ишчилари корхона эгаларининг одамларни ишдан бўшатиш ва ишлаб чиқаришни қисқартириш режаларига қарши норозилик юзасидан оммавий митинг ўтказадилар.

Меҳнаткашлар икки ҳафта муқаддам эълон қилган забастовкани давом эттиришга қатъий қарор қилганликларини айтдилар. Металлургларга эгаллаган корхонада пўлат ишлаб чиқариш тамомила тўхтатилган. Ишчилар иш билан таъминлашни, меҳнат шароитлари яхшиланишини, иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар.



СССР беш йилликлар мобайнида саноат маҳсулотн экспорт қиладиган энг йирик давлатлардан бирига айланди. Жумладан мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган «Беларус» тракторлари АҚШга кўплаб жўнатилмоқда. Улар америкалик фермерлар томонидан жон деб сотиб олинади. Суратда: совет тракторлари Американинг Миллуоки портида.

В. Галушкин фотоси.
ТАСС фотохроникаси.



Суратда: тантанали кеча иштирокчиларидан бир гуруҳи. А. Абалян фотоси.

ВАТАН УЧУН ЖАНГ ҚИЛГАНЛАР

УРУШ. КУРАШ. ҒАЛАБА. 1941 йилнинг 21 июни. 1945 йилнинг 9 майи. Азоб ва уқубатга, мардлик ва матонатга, ирода ва маҳоватга йўғрилган ойлар ва йиллар. 1418 кун ва тун. Волгограддан Берлингача, Москвадан Прагагача, Харьковдан Софиягача босиб ўтилган машаққатли фронт йўллари...

Куни кеча пойтахтимизнинг Октябрь районига қарашли Маннон Уйғур маҳалласида Ғалаба кунига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Кечада сўзга чиққан маҳалла комитетининг раиси А. Шарипов, Чилонзор райони ҳарбий комиссариати бошлиғи, полковник И. Мирзамуҳамедов, Ленинград мудофааси иштирокчиси А. Акмалов ўртоқлар Улуғ Ватан урушида ажойиб қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган кўп миллатли халқимизнинг жасур фарзандлари ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Ингилганлар жангоҳларда қурбон бўлган 125 нафар маҳалладошларини сукут сақлаб ёдга олдилар. Уруш ветеранларидан 130 киши маъраканинг азиз меҳмонлари бўлишди. Улардан айримлари ҳақида ҳикоя қиламиз:

ЯШАСИН ҲАЁТ, ЙЎҚОЛСИН ЎЛИМ

ҚАНДАЙ нуроний чеҳра. Ипакдек юмшоқ қалб. Беозор айтилаётган сўзлар. Кўзлардан оқаётган алам ёшлари... Унга қараб туриб бу табаррук онахоннинг урушда бўлганлигига, неча бор ўлим юзига тик қараганлигига, тўрт йил бадалида қон нечганлигига, эркаклар билан ёнма-ён Узоқ Шарқдан Ғарбий чегараларимизгача борганлигига, Сталинград, Курск жангларида иштирок этганлигига, неча марталаб оғир жароҳатланганлигига сира-сира ишонгинг келмайди. Ҳеч ақл бовар қилмайди... Афсуски, шундай. Унинг қўлидаги қатор ҳужжатлар, сийнасидаги шодашода орден ва медаллар бундан далолат бериб турибди.

Эндигина 21 баҳорни кўрган етим қиз уруш бошланган дастлабки ойдаёқ жангга отланди. Шафқат ҳамшираси минглаб кишиларни ўлимдан сақлаб қолди. Аммо айрим йигитларни у ажал чангалидан юлиб ололмади. Эндигина мўйлаби сабза урган, аммо юзида қатъият қотган, қизлар қўлини ушлашга уялган, бироқ куролни мустаҳкам тутган, ёр нигоҳида тик қарай олмаган, лекин душманни бир боқишда титратган ўғлонлар унинг қўлида жон таслим қилишарди. Ўшандай кезларда ҳамшира қиз туни билан йиғлаб чиқар, урушга, фашистларга, ўлимга лаънатлар ўқирди.

1944 йили жанг майдонидан қайтди. Қайтди. Аммо у тинч ҳаётда ҳам жангчи бўлиб қолди. Турмушга чиқди. Беш фарзандга она аталди. Тошкент медицина институтини тугаллади. Олий маълумотли бўлди. Энг олижаноб касб соҳибаси қанчақанча ёш гўдакларнинг дунёга келишида момолик қилди. Момо!.. Бундай кезларда унинг кўзларидан яна тирқираб ёшлар оқиб кетарди. Ҳаётга, янги инсонга, болаларга мадҳиялар ўқирди. У баралла «Яшасин ҳаёт, йўқолсин ўлим!» — дея ҳитоб қиларди.

Фарида опа Юнусова ҳозир шаҳар тез ёрдам станциясида врач бўлиб ишламоқда. У кунда ҳам, тунда ҳам, ёзда ҳам, қишда ҳам, иссиқда ҳам, совуқда ҳам-йўлда. У ҳамиша ҳаёт учун жанг қилади.

ВАТАН СЕҲРИ, ЁР МЕҲРИ

ИНСОН МУҲАББАТИ. Инсон нафрати. Бу икки қудрат бир-бири билан қўшилиб омухта бўлиб кетгандек бўлса, уни енга оладиган куч дунёда топилмайди. Фашист газандалари совет кишиларини жондан азиз ватанларидан, севимли ёрларидан, жигаргўша фарзандларидан жудо қилмоқчи бўлдилар...

Раҳимжон Муслимов ҳам ёшгина рафиқаси Назирани, ўғли Санъатжонни, қизчаси Наимани ташлаб, маккор ёвдодини бериш учун бел боғлади. У 1941 йилнинг кузида буюк пойтахтимиз Москва остонасида ҳимояда турган солдатлар сафига келиб қўшилди. Рус, украин, белорус, қозоқ, грузин, латиш биродарлар билан биргаликда «Ортда Москва, ортда Россия! Чекинишга ўрин йўқ!» — деб касамёд қилди.

Волоколамск! Бу ном тарихда машҳур. Азамат Россиянинг азамат баҳодирлари гитлерчиларни шу ердан бошлаб суриб кетдилар. Душман тез орада бир неча юз километрга улоқтириб ташланди.

Раҳимжон ака урушдан ярадор бўлиб келди. У яна беш фарзанднинг отаси бўлди. Ветеран жангчи шу кеча-кундузда 16 набирани тарбия қилиш билан машғул. Назира ая унга жондош-кўмакдош.

ШОДЛИККА БАҒИШЛАНГАН УМР

— ЭСИМНИ ТАНИБМАНКИ, куйни, қўшиқни, кулгини, қувончни, шодликни яхши кўраман, — дейди Ленинград мудофаасининг иштирокчиси, иккинчи зарбдор армия таркибидаги 105-ўқчи дивизиянинг собиқ старшинаси Башрулла ака Раҳматуллаев. — Етти йил совет қуролли кучлари сафида хизмат қилдим. Халқимиз осойишталигини, хурсандчилигини, тинч турмушини, тўй-томошасини бузган фашистларни кўргани кўзим йўқ эди. Тор-дутор нималигини билмаган, ўзини таниб ҳанжар ушлаган ваҳшийлар куйсевар элга бостириб кирган эдилар. Уларнинг ҳалокати муқаррар эди...

9-Май — Ғалаба кунини Шарқий Пруссиянинг Анклам шаҳрида кутиб олдим. Ўша куни ҳаммамизнинг шодланганимизни тасвирлаш қийин. Кимдир куларди, кимдир йиғларди. Бировбировни қучоқлаган, бировбировни ўпган. Кимдир ашула айтади, кимдир сукут сақлайди.

Урушдан қайтгач 17 йил Пушкин номли истироҳат боғида директор бўлиб ишладим. Яна қўшиқ, аския, кулги, роҳатижон давралар. Бундай ҳаёт учун ким жонини қурбон қилмайди дейсиз. Бундай ҳаёт фақат советлар мамлакатидагина бўлиши мумкин. Эндиликда биз бир зум ҳам қўшиқлар тиниб қолишига йўл қўймаймиз. Муҳолифларимиз буни билиб қўйишсин!..

Партия ва ҳукуматимизга минг раҳмат. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими деган фахрий унвон билан сийлашди. 1971 йилда Москвада, Горький паркида қовун сайли ташкил қилганим учун Бутуниттифоқ театрлаштирилган байрамлар фестивалининг дипломанти бўлдим.

Беш фарзандим бор. Ҳали—вери қаримайман. Санъатшунослик институти директорининг ўринбосариман. Санъат бор ерда ҳаёт бор. Санъат бор ерда эзгулик, поклик, яхшилик бор. Инсоний эзгулик учун ҳар қанча хизмат қилсак, курашсак арзийди!..

Аброр, Исроил, Аъзамхон, Башрулла оталар... Фарида, Назира, Қумрихон сингари аялар... Уларнинг сонисаноғи йўқ. Улар билан фахрланамиз. Уларга таъзим қиламиз. Зотан, улар келтирган муборак Ғалаба туғи доимо бошимиз узра ҳилпирайди. Улар келтирган ғалаба қўшиғи она-Ватанимиз осмони кенгликларида абадул-абад парвоз қилажак!..

Раҳим УМАРИЙ.
Ҳ. САБУРОВ.

ТИЛЛАРДА «МОСКВА-80» ОЛИМПИАДАСИ

ЎН УЧ ЛОЙИҲАНИНГ БИРИ

...КРИЛАТСКИЙ. Олимпия қишлоғи трибунаси мухлисар билан шу қадар тўлиб тошганки, гўё игна ташласа ерга тушмайдигандек. Бу ердан чор-атроф Олимпия қишлоғининг спорт майдонлари кўзга кафтдек яққол кўриниб турибди. Тахминан 500 метрча нарида гўзал Москва-река тўлиб оқмоқда. Унинг жануб қирғоғи бағри кенг қия текисликлар бўлиб, қалин ўрмон билан қопланган. Ўрмоннинг тоза ҳавоси, дарёнинг муздек шабадаси киши қалбида жавоб ҳис уйғотади. Қуйида Москва-рекадан сув олган янги 3 километрлик спорт канали. Унинг қирғоқлари худди қиличда кесилгандек теп-текис.

Мовий ранг сувга тўлқин бериб қайиқчилар мусобақалашишмоқда. Минбардан спорт канали худди 20 қадам наридагидек яққол кўзга ташланади. Чунки, улкан рангли таблолар сув ҳавзасидаги барча мусобақаларни босқичма-босқич кўрсатмоқда.

Бир группа туристлар қувончдан қичқиришади. Чамаси, уларнинг ватандошлари маррага биринчи бўлиб яқинлашмоқда. Айтмоқчи, бу ерга 20 мингдан зиёд киши йиғилган. Улар орасида мамлакатимизнинггина эмас, балки жаҳоннинг ҳамма бурчакларидан келган спорт мухлисларини учратиш мумкин.

Учинчи экранда шиддат билан эшкак эшиб бораётган спортчилар чеҳраси таниш кўринади. Ана улар анча бери олдинма—кейин келаётган рақибларидан ўзиб кетдилар. Экран яна ҳам йирикроқ қилиб кўрсатмоқда. Энди терлаган юзлари, ҳатто бақувват мускулларигача яққол кўринаяпти. Ахир улар юртдошларимиз — бекободлик машҳур спортчилар-ку!

Чор атрофдаги воқеаларни томошабинлар бир-бирларига халақит бермай кузатиб туришибди. Трибуна шундай шаклда бунёд этилган-ки, ҳамма спорт воқеаларини бемалол кузатиб бориш мумкин. Ахир ана шу Олимпия қишлоғи лойиҳаси конкурсига танилган мутахассислардан ўн учта иш тақдим этилган эди. Танлаб-танлаб уларнинг энг муваффақиятлиси қабул қилинди. Шунинг ўзи гўзал Олимпия қишлоғини бунёд этиш учун қандай изланиш, ҳаракат бўлганини исботлаб турибди.

Чап томонда — 500 метрлар чамаси нарида худди афсоналардек «улкан капалак» ердан кўтарилаётгандек туюлади. Бу усти ёпиқ 3 километрлик спринтерлик велопойга майдони кўзга ташланади. Бир айланаси 333 метру 33 сантиметр ва миллиметрлари билан бўлиб ҳар уч айлана 1 километрга тенг. Пойга йўлкаси лиственница билан бир текис қопланган. Паст-баландликлари шундайки, соатига 40 километрдан кам тезлик билан юрган велосипедчи қулашдан бошқа «ниме» топаолмайди.

«Улкан капалак» ёнидан эса велотрек трассасининг бир қисми кўзга яққол ташланиб турибди. Узунлиги 13 километр-у 600 метр. Велотрек паст-баландликларда қир йўллари каби гоҳ кўзга кўриниб, гоҳ яна кўздан яширинади.

250х150 метрлик камон отиш майдонида ҳеч ким кўринмайди. Спорт аренаси одатда мухлисларнинг ҳаяжонли садоларига тўла бўларди. Бироқ спортнинг бу турида мухлислар чидам билан сукут сақлашлари, бошқача айтганда камон ўқининг ҳавода учгандаги товуши эшитилиб туриши лозим. Сабабки, бегона товуш камончининг ҳаракатига салбий таъсир қилиши мумкин. Ахир ҳар бир спортчининг 288 марта камон отишининг ўзи бўлмайди-да. Шунинг учун Олимпия қишлоғидаги энг осойишта кунлардагина камончилар старт чизиғига чиқишади...

Биз ҳаёлан 1980 йилга саёҳат қилдик. Фақат шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозироқ кўпгина қурилиш ишлари поёнига етди. Жумладан, Крилатский Олимпия қишлоғидаги 3 километрлик канал трассаси тайёр. Асосий спорт бинолари қад кўтарган. Спринтерлик усти берк велосипедсага ўтказиладиган катта бино велотрек трассаси, мерганлик майдони қуриб битказилди.

РЕКОРД РАҚАМЛАР

ВАТАНИМИЗ пойтахтига кириб борар эканмиз, «Москва-80» Олимпиадаси худди баҳор нафасидек сезилиб турарди. Қайси транспортда юрмайлик, қайси кўчага кирмайлик, ҳаммасида Олимпиаданинг яқинлашиб келаётганини яққолроқ ҳис этамиз. Москва улкан спорт байрами руҳи билан яшамоқда. Чунки, Олимпиада — тинчлик, дўстлик, биродарлик, яратувчилик рамзидир.

Аввало шуни айтиш керакки, XXII Олимпиада жаҳон спорти тарихида энг кўп томошабинни ўз бағрига чорламоқда. Салкам 130 миллий терма команда спорт бахсларида иштирок этади. Спорт базаларида 12 минг спортчи соврин учун курашади. 7 минг журналист матбуот, радио, телевидение орқали қизғин спорт учрашувларини ёритади ва эшиттиришлар олиб боради.

Биз тушган автобус «Мир» проспектидаги катта қурилиш майдонининг ёнғинасига келиб тўхтади. Бу жой 21 гектар ерни эгаллаган. Шимолий Олимпия зонаси деб аталади. Шундоққина ёнғинамизда узун хартумига «Главмосстрой» деб ёзилган экскаватор ҳали бузиб улгурилмаган иморат олдида қазиш ишларини олиб бормоқда. Бу ерда ёшини яшаб, тарихни эслатадиган эски уйлар ўз ўрнини янги замонавий бинога бўшатиб бераяпти. Дарвоқе, «Москва-80» Олимпия зоналарини бунёд этишга 33 та пудратчи трест, шунингдек унинг ёрдамчи пудратчи ташкилотлари ҳамда 9 министрлик қурилиш ташкилотлари жалб этилган.

Қаршимизда ҳали тарих билмаган усти ёпиқ улкан ҳовуз биноси қад кўтарган. Ҳар қайсисининг узунлиги 40 метр келадиган 23 та темир колонна тоғдек улкан бинога чор атрофдан таянч бўлиб турибди. Бир қарашда бино худди айлана шаклда қурилганга ўхшайди. Лекин юқоридан қаралса, антиқа иншоот эллипс шаклида эканлигини пайқаб оласиз. Бино устки қисмининг энг кенг ери 224 метрга, қисқа жойи 183 метрга тенг. Томи худди улкан эгарни эслатади.

Олимпия кунлари 43 минг томошабинни ўз бағрига оладиган бу спорт комплексида сувга сакраш, сув полоси, баскетбол, бокс мусобақалари ўтказиш мўлжалланмоқда. Албатта, газетхон спортнинг бундай хилма-хил турларини мазкур бинода ўтказилишига ҳайрон бўлар. Ҳа, аслида шундай. Олимпиададан сўнг бу спорт саройида ҳатто футбол, хоккей, фигурали учиш ва бошқа хил мусобақалар, маданий программалар ўтказилади. Шуниси эътиборга лойиққи, спорт залининг бир қисмида хоккей ўйналса, айни вақтда иккинчи қисмида лекция тинглаш мумкин. Чунки, ўртага товуш ўтказмайдиган махсус тўсиқлар қўйилади. Ана шу ажойиб лойиҳанинг автори Ватанимиз пойтахти Москвани гўзал архитектура намуналари билан бойитган, шу жумладан Съездлар саройи, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши ва бошқа шу каби эўр бинолар лойиҳасини ижод этган киши — Ленин мукофотининг лауреати Н. В. Посохиндир.

Улкан ҳовуз биноси конструкцияси ва лойиҳасида шу вақтгача қўлланилмаган ажойиб ечимлар бор. Бино ичида мўътадил иқлим яратишга жуда катта эътибор берилган. Айтайлик, икки ҳовузда икки хил мусобақа давом этмоқда. Уларда лозим бўлган даражадаги ҳарорат сақланиб туради.

Шимолий зона спорт залларида мусобақа майдонларидан ташқари айни бир вақтнинг ўзида машқ базалари ҳам ишлаб туради. Янги спорт зонасининг гўзаллиги, қулайлиги ҳақида жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Лекин, олимпия мусобақаларини ўз кўзи билан кўриш шарафига муяссар бўлган киши буларни яна ҳам яхшироқ ҳис эта олади.

МАРКАЗИЙ ЗОНА

АВТОБУСИМИЗ катта йўлдан давом этмоқда. Микрофондан эшитилган ёқимли овоз ҳамманинг диққатини тортади:

— Греция Олимпиясидан ёндирилган машъални спортчилар мана шу йўлдан олиб ўтадилар.

Олимпия марказий зонасини ташкил этган Лужникидаги В. И. Ленин номли Марказий стадионда катта реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Рамзий Олимпия машъали ёниб турадиган улкан мосламада нигоҳларимиз бир муддат муҳрланиб қолади. Унинг замини ҳозиргидек тайёр. Ҳар бири биноднг улкан тўрт электр минора реконструкция қилинаяпти. Иккита электрон табло тикланмоқда.

Мазкур олимпия қурилишидаги реконструкция ишлари кўлами шу қадар кенгки, ёзиб адо қилиш қийин. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, машқ қилиш учун 50 та майдон ташкил этилаяпти. Шуни унутмаслик керакки, Олимпия комитети кўрсатмаси бўйича машқ жойлари худди олимпия бахси майдонларидек бир хил бўлиши лозим.

Маълумки, дастлаб эълон қилинган Олимпия ўйинлари муддати ўзгарди. Олимлар кейинги 100 йиллик иқлим хусосалари ва оби-ҳавони олдиндан билиш маълумотларига кўра Москвада энг кам ёғингарчилик бўлиши кутиладиган даврни аниқлаганлар. «Москва-80» Олимпиадасини 19 июлдан 3 август мобайнида ўтказишга қарор қилинди.

3-август яъни олимпиада мусобақаларининг сўнгги кунида якунловчи қизғин бахслар марказий Олимпия зонасига ўтказилади.

Ҳа, «Москва-80» Олимпиадасига тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Унга озодлик, тинчлик, дўстлик каби чин инсоний хислатларини ўзида мужассамлаштирган кишилар ҳайрихоҳлик билдирмоқдалар.

Б. ПЎЛАТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.
Тошкент — Москва — Тошкент.

Спорт

ҒАЛАБА БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНАДИ

ТОШКЕНТ отчопарида ўзгача кайфият ҳукмрон. Бахтимиз учун жон олиб жон берган Улуғ Ватан уруши ветеранлари юзларида табассум. Май қуёши нурида кўкракларидаги порлаб турган орден ва медаллар уларнинг Ватан бошига оғир мусибат тушганда кўрсатган мислсиз қаҳрамонликларидан бир шингил ҳикоя қилиб тургандек туюлади.

Ўтган куни отчопардаги Ғалаба кунига бағишлаб ўтказилган катта байрам тантаналарида иштирок этиш учун пойтахтга узоқ-яқиндан меҳмонлар ҳам келишди. Қуролдош дўстлар учрашуви ҳамиша байрамга айланиб кетади. Ўтмиш хотиралари, бугунги фаровон бахтиёр турмушимиз учун жонларини фидо қилган мард ўғлонлар хотираси ёдга олинади.

Отчопардаги байрамни анъанага кўра байроқдорлар колоннаси бошлаб берди. Армия, авиация ва флотга кўмаклашувчи кўнгилли жамият — ДОСААФчилар бу кунга ўзгача тараддуд билан келишди.

Ғалаба байрами тантаналарида турли кўнгилли спорт жамиятларининг вакиллари — велосипедчилар, гимнастикачилар, хоккейчилар, боксчилар кўргазмали чиқишлари билан иштирок этдилар.

Энг кучли чавандозларнинг от суришлари байрам файзига-файз қўшди. Моҳир чавандоз, спортимиз ветерани Александр Ковшов 60 ёшдан ошган бўлишига қарамай, ҳамон ёшлик ғайрати билан мусобақаларда иштирок этмоқда. Мамажон Исмоилов, Валерий Дворянинов, Евгений Лопатин, Искандар Йўлдошев сингари чавандозлар республикамиз спортининг фаҳридир.

Томошабинлар турли масофаларга ўтказилган пойга, тўсиқлардан ошиб ўтиш, отда рақс тушиш, қиз қувмоқ ва бошқа мусобақаларни қизиқиш билан томоша қилишди. Аёллар ўртасида биринчи марта СССР спорт мастери нормативини бажарган З. Ҳолиқова билан А. Хўжаевлар «қиз қувмоқ» бахсида совриндорлар сафидан ўрин олдилар. Тошкент от заводининг чавандози Р. Зинатулин «Деҳқон» лақабли отида 1800 метрга бўлган пойгада биринчи бўлди. Тошкентлик Даврон Рўзмуҳамедов тўсиқлардан ошиб ўтишда 12 секунд вақт сарфлаб бош совринни қўлга киритди. Унинг командадош дўсти Сергей Лисицин ва андижонлик Р. Музаффаровлар иккинчи, учинчи ўринларни олишди.

Байрам тантаналарида полвон Н. Йўлдошев, самбочилар О. Валнев, Б. Файзиев, гимнастикачи С. Хўжаев ва бошқа спортчиларнинг чиқишлари, автомобиль пойгаси ва бошқа раиг-баранг томошалар бўлди.

●

ЯНА МАҒЛУБИЯТ

Тошкентлик пахтакорчилар навбатдаги учрашувни ҳам сафарда ўтказиб, яна ютқаздилар. Ҳамшаҳарларимиз Ленинградда «Зенит» командасидан 1:2 ҳисобида енгилдилар. Ўтган куни бўлиб ўтган бошқа учта учрашувда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Спартак» — «Динамо» (М) — 0:0; «Черноморец» — «Динамо» (Мн) — 0:1; СКА—«Заря» — 2:2.

Редактор ўринбосари
Р. УМАРОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЬМАН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА
12, 13 МАЙДА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИШҚИБОЗЛАРИНИНГ
ҚУЁНЛАРИ ВА ҚИММАТБАҲО ТЕРИЛИ СУВ КАЛАМУШЛАРИНИНГ
ҚЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ
ПРОГРАММАДА:
ҚУЁНЛАР ВА СУВ КАЛАМУШЛАРИНИ САҚЛАШ ВА КЎПАЙТИРИШ МЕТОДЛАРИ ҲАҚИДА ЛЕКЦИЯ.
ҚУЁНШУНОСЛАР ВА ҚИММАТБАҲО ТЕРИЛИ СУВ КАЛАМУШЛАРИ ИШҚИБОЗЛАРИНИНГ КЕНГАШЛАРИ.
АДАБИЁТЛАРНИНГ САВДО-КЎРГАЗМАСИ.
ҚУЁН ГУШТИДАН ТАЙЁРЛАНГАН ТАОМЛАР.
ҲАММА СОРТЛАРДАГИ СУВ КАЛАМУШЛАРИ ВА ҚУЁН ТЕРИЛАРИ НАМУНАЛАРИНИНГ НАМОЙИШИ.
КИНОФИЛЬМЛАР.
ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МАТЛУБОТ ЖАМИЯТИНИНГ ПРАВЛЕНИЕСИ.
«ҚУЁНШУНОС» ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ЖАМИЯТИ.

Ўзбек давлат филармонияси
СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
12—13 МАЙ СОАТ 19.30 ДА
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ВА РАДИОЭШИТТИРИШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ ҚОШИДАГИ
УЙҒУР АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ
КОНЦЕРТИ
ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
Султонмурод РАЗАМОВ, Абдураим АҲМАДИЙ,
Солистлар: Айтурган Ҳасанова, Маданият Ҳошимова, Саломат ШАРИФЖОНОВА, Султон МАМЕДОВ, Аблаз ЕҚУБОВ, Абдулазиз АБДУАЛИЕВ.
УЙҒУР ҲАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.
Ансамблнинг балетмейстери — Ҳавохон АЗИЗОВА.
Музика раҳбари — Орифжон МУҲАМЕДОВ.
Ансамблнинг бадиий раҳбари — Ҳаким ХИЛЯМОВ.
БИЛЕТЛАР СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИ КАССАСИДА СОАТ 14.00 ДАН СОТИЛМОҚДА.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 11/V да Севги ҳақида афсона (премьера), 12/V да Петр I, 13/V да Этик кийган мушук (12.00), Жизель (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/V да Келинлар қўзғолони, 12/V да Тирик мурда, 13/V да Келинлар қўзғолони (12.00), Шошма қуёш (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/V да Хотинимнинг эри, 12/V да Тошкентнинг нозанин маликаси, 13/V да Катта концерт.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/V да Ҳаммомга бало борми?, 12/V да Отилмаган ўқ, 13/V да Ташвишланманг, онажон (12.00).

«Ташобремстрой» трестининг таъминот конторасига тегишли йўқолган 113, 144, 145, 164 номерли
ИШОНЧ ҚОҒОЗЛАРИНИНГ БЛАНКАЛАРИ
ва 241394 номердан 241400 номергача бўлган
ЛИМИТЛИ ЧЕК ДАФТАРЧАЛАРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



Суратда: Ғалаба кунига бағишлаб ўтказилган спортбайрами қатнашчиларининг чиқишлари. Ж. Тўраев фотолари.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент.—П, ЛЕНИН кўчаси, 41. Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334508, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 01962. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2390.